Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 29 апрель
ЖУМА
№ 97 (4.293).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

Ипак қурти боқилмоқда

НОЗИК МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Ипак қурти парвариши жуда нозик, масъулиятли иш. Кўз илғамайдиган уруғни жонлантириб, вояга етказиш, дастталардан битталаб кумуш толани териб олиш чорвадор ёки пахтакор ташвишларидан асло қолишмайди.

Бу йилги мавсумда 443 хонадонга 616 қути ипак қурти тарқатиб чиқдик. Пландаги 28 ўрнига 30 тонна пилла топшириш мажбуриятини қабул қилганмиз. Об ҳавонинг салқин келиши сабабли тут баргининг ривожланиши ҳисобга олинган ҳолда ипак қурти ўтган йилдагидан 10—15 кун кеч тарқатилди. Ҳар бир хонадонга 50 килограммдан кўмир, етарли оҳак, қоғоз, термометр етказиб бергамиз. Лекин булар серташвиш мавсумда қилиниши керак бўлган ишларнинг бошланиши, холос. Ипак қурти мавсумида катта-ю кичикнинг ўй-фикри, ташвиши ортади.

Бу соҳада оилавий пудрат жуда қўл келади. Ўтган йили давлатга пландаги 30 ўрнига 35 тонна сифатли хом ашё топширишимизда ана шу усул муҳим роль ўйнади. Жарқин Тўраева, Тожихон Мамараимова, Қулпин Қурбонова каби илғор пиллачиларимиз 250 килограммдан кумуш тола топширишди. Ҳар бир оила қисқа мавсумда бир ярим — икки минг сўмгача даромад олди.

Жорий йилда ҳам ана шу пиллачиларимиз ипак қурти парваришини намунали ўтказмоқдалар. Ҳозир қуртлар учинчи уйқудан турди. Пиллачиларни шоширадиган, куну тун барг ташиб, елиб-югурадиган палла энди келди. Хўжалигимизда 44 гектар майдонда тутзор бор. Бу йил 70 минг туп тут кўчати янгидан ўтказилди. Ҳозирча тут дарахтларининг қуйи қисмидаги баргларни териб бераяпмиз. Борган сайин озуқа сарфи кескин кўпаяди. Чунки пилла тўлиқ сифатли бўлиши учун ипак қурти баргга тўйиб, бақувват ривожланиши лозим.

Малика Тоғаймуродова, Ҳалима Тошматова, Рўзихол Қосимова, Ҳайитой Имомова каби ўнлаб илғор пиллачиларимизнинг шаштлари баланд. Масалан, Малика ая пенсионер. Лекин ҳар йили оила аъзолари билан ипак қурти парвариш қилиб кумуш тола хирмонининг юксалишига ўз улушини қўшади. Бу йил ҳам турмуш ўртоғи, ўғли, келини билан биргаликда 20 грамм ипак қуртини меҳр билан парвариш қилаяпти. Улар жорий йилда 100 килограмм пилла топширишга аҳд қилишган. Колхоз медпункти ҳамшираси Ҳайитой Имомова ҳам ўтган йили 180 килограмм кумуш тола топириб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бронза медали билан тақдирланди. Бу йил эса бир қути ипак қуртидан 70 килограмм хом ашё топширишга аҳд қилган.

Пиллачиларимиз Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини 30 тонна кумуш тола топириш билан кутиб олишга аҳд қилганлар. Пахтакорларимиз ҳам, чорвадорлар ҳам йилнинг биринчи ҳосили баракали бўлиши учун уларга ёрдам кўрсатишаяпти. Долзарб паллада ипак қурти парвариши — ҳаммамизнинг ишимиз, деган шиор ўртага ташланган. Бу юмушдан ҳеч ким четда қолмаяпти. Барг етказиб беришга навбатчи машиналар ажратилган. Трактор тележкаларнинг бир қисми даста ташишга биркитилган. Хуллас, кумуш тола мавсумини муваффақиятли якунлашнинг зарур тадбирлари рисоладагидек амалга оширилаяпти.

Тўтихон ЙУЛДОШЕВА,
Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхози пиллачилик бригадаси бошлиғи.

Яшасин ҳар бир халқнинг миллий ифтихори ва қадриятини социалистик жамият интернационализми билан бирлаштирувчи совет ватанпарварлиги!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май чақириқларидан).

Оралиқ экинлар гектар самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди, моллар рационини тўйимли моддалар билан бойитади. Буни Пахтакор район хўжаликлараро бўрдоқичилик базаси коллективи яхши билади. Айни кунларда бу ерда жавдар ва перко ўриб олинниб, ҳосилдан бўшаган далаларга пешма-пеш маккажўхори экилаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Механизатор Ўроқбой Тоштемиров. 2. Ўрим пайти.

У. ҚУШВОҚОВ фотолари.

ШОЛИКОРЛИК КООПЕРАТИВИ

Ленинобод райони хўжаликларида одатдан ташқари бўлинмалар тузилди. Бу ерда шоликорлик кооперативлари пайдо бўлди. Хўжаликларда бундай кооперативларни ташкил этиш деҳқонларга фойдаланилмаган резервларни аниқлашга, ҳозирча ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларни қўшимча ишга жалб этишга ёрдам беради.

Чунончи, «Олтинкўл» шоличилик совхозида тузилган кооперативга «Саликеш» деб ном бердилар. Унга шу вақтгача гидротехник бўлиб ишлаган Д. Қурбоналиев бошчилик қилмоқда. Бор-йўғи уч нафар ишчи коллективнинг асосий кучини ташкил этади. Яна 13 нафар киши бўш вақтларида кооперативга ёрдам беради.

— Меҳнатни ташкил этишнинг янги формаси қўлга киритиладиган натижалар ҳар биримизга боғлиқ эканлиги учун ҳам кўпчиликни қизиқтириб қолди. Бу ерда ҳар бир киши ўз қобилиятини тўла намоён этиши мумкин, — дейди кооператив раиси. — Хўжалик маъмурияти билан шартнома тузмадик. Шартномага кўра пландан ташқари олинган ҳамма маҳсулот кооператив аъзолари ўртасида тақсимланади. Шунинг учун ҳам ишимизни жуда оз меҳнат сарфлаб ташкил этишга ва кўпроқ дон етиштиришга ҳаракат қиламиз.

Ҳозир районда 7 та шундай кооператив тузилди.

АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЧЎЛЛАРДА БОҒЛАР

Жиззах областидаги «Тошкент» совхозининг ҳар бир пахтачилик бригадасида боғбонлар ва полизчилар ишлай бошлади. Хўжаликда илгари пахта экилган беш гектар майдон улар ихтиёрига берилди. Бу ерда 6 минг туп олма, олхўри, ўрик кўчатлари кўкариб, авж олиб ўсмоқда.

Хўжаликда пахта майдонининг камайиши деҳқонларга ўзларини тўла равишда сабзавот билан таъминлаш имконини беради.

УСТ-ЮРТ ЯЙЛОВЛАРИДА

«Уст-юрт» совхози меҳнатчилари Қорақалпоғистон чорвадорлари мусобақасида ғолиб чиқдилар. Қўзи олиш план кўрсаткичларини ҳамда қоракўл тери тайёрлаш топшириғини муддатидан илгари бажарган чўпонлар маҳсулотнинг аъло сифатли бўлишига ҳам эришдилар. Топширилган барча қоракўл терилари фақат олий сортларга қабул қилинди, энг яхши қўзилар эса боқиб ўстириш учун олиб қолинди.

Мазкур хўжалик чўпонларининг муваффақияти табиийдир. Ем-хашак мўл-кўл тайёрланган, қўтонлар яхшилаб ремонтдан чиқарилган эди. Улар ўз кучлари билан совлиқ қўйлар ҳамда қўзилар учун иссиқ қўйхоналар ҳам бунёд этишди. Кузда селекция ишлари жуда тез ва сифатли ўтказилди. Бу эса қишловни муваффақиятли тугаллаш, кўкламда бақувват, яхши семирган ҳайвонларни яйловларга ҳайдаш имконини берди.

ТОҒ ОЛДИ ЗОНАЛАРИДА ЭКИШ МАВСУМИ

Наманган областининг энг шимолий, тоғ олди зонасида экиш мавсуми авж олдириб юборилди. Куйбишев номли колхознинг М. Валиев бошлиқ бригада механизаторлари Косонсой районида биринчи бўлиб далага чигит экадиган агрегатларни олиб чиқишди.

Дастлабки кунларданоқ иш қизиб кетди. Экиш техникасининг яхши созланганлиги, механизаторларнинг маҳорати экин-тикин ишларини энг қисқа муддатларда тугатиш имконини беради. Эндиликда бригада ҳар гектар ерга ўтган йиллардагига нисбатан икки баравар кам — 40 килограммга яқин уруғлик сарфламоқда. Бунинг учун чигит экувчилар махсус тайёргарликдан ўтдилар. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, пахтакорлар чигитни аниқ экиш натижасида оғир меҳнат талаб этадиган ва қимматга тушадиган яганалаш ишларидан халос бўладилар.

Далалари Жанубий Тянь-Шань ён бағирларида жойлашган райондаги барча хўжаликлар чигит экишни авж олдириб юбордилар.

(ЎзТАГ).

КОММУНИСТ ВА БЕШ ЙИЛЛИК

БРИГАДА БОШЛИҒИ

Жўрақобил ТУРОПОВ

Пахтакорлик — унга ота касб. Тажрибали деҳқон Туроп ана кетмон кўтариб, ғўзаларга сув тараган кезларда у жўякларидан сакраб-сакраб, изма-из юрарди. Шу тариқа далаларга меҳр кўйиб улғайди. Мактабни тугатгач, сира иккиланмай падарининг йўлини тутди: ота ушлаган кетмонни елкага ташлаб, сувчилик қила бошлади. Ўшанда ўз вазифасини сидқидил бажаришга, ишда бошқаларга ўрнак кўрсатишга интиларди.

«Ж. Туропов меҳнатсевар, тиришқоқ, масъулиятдан қўрқмайдиган қатъиятли инсон. Халқи, юриш-туриши билан кўпчиликка намуна. Уни Коммунистик партия аъзолигига муносиб деб биламан...» 1962 йилда КПСС сафига қабул қилинаётганда унга берилган тавсияномалардан бирида шундай жумлалар бор эди. Жўрақобил ана коммунист деган шарафли номга гард юқтирмай келмоқда.

У мана ўттиз йилдирки, замин билан сирлашиб, йигирма икки йилдан бери бригадирлик қилаяпти. Оқ олтин етиштириш ишқи-ташвиши билан ўтган бу йиллар умрига мазмун киритиб, ҳаётида ёркин излар қолдирди. Эндиликда Жўрақобил Туропов Энгельс номли колхозидагина эмас, Шаҳрисабз районида ҳам таниқли пахтакор, илғор бригада бошлиғи.

— Коллективимиз юз кишидан иборат, — дейди Ж. Туропов, — Ҳаммаси меҳнатсевар, сидқидилдан ишлайди. Шунга қарамай бирови у юмушни, бошқаси бунисини яхшироқ бажаради. Иш тақсимлайтганда бунга алоҳида эътибор бераман. Асосан пахта ва сабзавот етиштирамиз. Ҳалол ишлаб, давлатга мўл-кўл маҳсулот ҳадя этиб, кам бўлмаяпмиз. Даромад йил сайин кўпаймоқда. Бултур колхозчиларимиз 2—2,5 минг сўмдан ҳақ олишди.

Аҳиллиқда ҳиммат кўп. Бригада аъзолари жуда иноқ, ҳамжиҳат: ҳар бир ишни бамаслаҳат қилишади. Тажрибали сувчилар Тошпан Қўлдошев, Хўжа Бердиев, моҳир механизаторлар Қўйли Турсунов, Худойберди Шоназаров, сергайрат колхозчилар Жамила Ҳақназарова, Зиёда Тўраева, Чаман Қаюмова, Норбуви Нафасова — коллективнинг ўзаги, фахри, суянчи. Улар ҳар ишда намуна.

Бригадирнинг кўп йиллик самарали хизматлари партия ва давлатимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Айни пайтда кўксини Ленин орденн, Октябрь революцияси, «Ҳурмат белгиси» орденлари безаб турибди. Жўрақобил ака серфарзанд, бахтиёр оила бошлиғи. Турмуш ўртоғи Ражаб опа билан олти нафар ўғил-қизни одобли, меҳнатсевар қилиб тарбиялашди. Тўнғичлари уйли-жойли бўлишган. Фарзандларининг ҳаммаси у ёки бу соҳада ишлаяпти.

Ж. Туропов бошлиқ бригада аъзолари шу кунларда дала ишларини намунали олиб боришмоқда. Жорий йилда 150 гектар ерда ғўза, 20 гектарда помидор ўстиришади. Гектаридан 35 центнердан оқ олтин, 450 центнердан сабзавот йиғиштириб олиш уларнинг қатъий ниятн. Коммунист-бригадир бу мақсадга эришиш йўлидаги курашга бош-қош бўлаётир.

ЯЙЛОВЛАРДАН ДАРАКЛАР

ҒИЖДУВОН

Қоракўлчиликка ихтисослашган «Кўкча» совхози чорвадорлари Бўрон Ғайбуллаевнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Ўттиз беш йилдан буён чўпонлик касбини шарафлаб келаётган бу кишининг ёнида фарзандлари Баҳрон ва Тўйбойлар камарбаста бўлиб ишлашаётир. Оилавий звено аъзолари бу йилги мавсумда ҳар юз бош совлиқдан 103 тадан қўзи олишди. Улар ҳар бош қўйдан 3 килограммдан сифатли жун қирқиб олишга аҳд қилишган.

О. КОМИЛОВ.

ТЕРМИЗ

Жданов номли колхознинг Жалил Норпўлатов бошлиқ отари қўй-қўзиларни ёзги яйловларга олиб чиқишга тараддудланаяпти. Бу ерда қишлов бехатар ўтди, қўзилатиш натижалари қувончли бўлди; 590 бош совлиқнинг ҳар юзидан 110 тадан насл олинди.

Р. ТУРАҚУЛОВ.

ЧУСТ

Тянь-Шань тоғ тизмаларига туташиб кетган «Ленинград» колхози чорвадорлари ҳар бош совлиқдан биттадан қўзи олишга аҳд қилишганди. Бу марра эгалланди. Ўзаро мусобақада Исоқали Кичимов бошлиқ отар коллективи ғолиб келди.

О. АЛИБОЕВ.

НУРОТА

Ўттиз йилдан буён чўпонлик таёғини эзозлаб келаётган Узоқ Бомуллаев отари («Ғозғон» совхози) ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан қўзи олиб беллашув ғолиблари сафида тилга олинди. Умуман хўжалик бўйича 107 тадан насл олинди. Ўрғочи қўзиларнинг асосий қисми ўстиришга қолдирилди.

М. МЕНГЛИЕВ.

СОВЕТОБОД

«Қарнаб» давлат наслчилик заводида 56 та отар бор. Уларда тўл олиш мавсуми муваффақиятли якунланди. Мардон Нурматов, Ҳайдар Норбоев, Кенжа Қурбонов каби тажрибакор чўпонлар бош бўлган отарларда айниқса қувончли натижаларга эришилди. Шу кунларда қўй-қўзилар ёзги яйловларга кўчирилиш арафасида турибди.

С. ХУДОЕРОВ,
О. БОБОЕРОВ.

ҚУШРАБОТ

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборган Киров номли совхоз чорвадорлари меҳнатда қувончли натижаларни қўлга киритишаяпти. Яқинда қўзилатиш мавсуми якун қилинганида Юнус Собиров, Искан Ўринов, Суннат Қорақулов ва Қаршибой Ўринбоев бошлиқ отарлар ғолиблар сафида тилга олинди. Бу коллективларда ҳар юз бош совлиқдан 107—110 тадан қўзи олинди.

Х. ЭЛМУРОДОВ.

ОЛТИАРИҚ

Шовулдин Сулаймонов чўпонлик таёғини қўлига олганига ўттиз беш йил бўлди. У бошчилик қилаётган отар Энгельс номли колхозда энг йириги саналади. Коллектив ҳар юз бош совлиқдан пландаги 110 ўрнига 120 тадан соғлом қўзи олди. Унинг мусобақадоши Абдухалил Амиров ҳам фидокорона меҳнат қилиб Озиқ-овқат программаси ижросига салмоқли улуш қўшаяпти.

А. НУРМАТОВ.

ВОБКЕНТ

Энгельс номли колхоз чўпонлари ўртасида Нуъмон Луқмонов яловбардорлик қилаяпти. У ишлаётган отарда 500 бош қўй-қўзи, жумладан 370 та совлиқ бор. Бу ерда тўл мавсуми муваффақиятли якунланди: ҳар юз бош совлиқ 107 тадан насл берди. Унинг шогирди Аъламжон Мухторов маҳсулдорликни оширишда устоз тажрибасини ҳафсала билан ўрганаяпти.

А. НУКАРОВ.

Мутахассис нигоҳи билан

ЧЎПОН ПУДРАТГА ЎТГАЧ...

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган хўжалик — Қўшработ районидаги Эргаш Жуманбулбул ўғли номли совхозининг асосий рўзғори қўйчилик. Бу ерда маҳсулот етиштириш йилдан-йилга зарар келтирарди. Ниҳоят 1987 йил якунларидан сўнг енгил нафас олишди. Жун харид қилишдан 74 минг, қоракўл тери топширишдан 34 минг сўм фойда олиндн.

Лекин узил-кесил ғалаба ҳақида сўз юритишга ҳали вақт бор. Ҳисоб-китоб ходимлари қуйидаги рақамни тилга олишди: совхоз умуман 166 минг сўм зарар кўрди. Лекин бу рақам 1986 йилдагига нисбатан оз эмас-кўп эмас — 802 минг сўм камайганлигини назарда тутсак, ишдаги ижобий силжиш ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Эндиликда қўйлар туёқ сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш фаолиятнинг асосий мезонига айланмоқда. Мақсад гўшт етиштиришга ва давлатга сотиш топшириқларини бажарибгина қолмай, аввалги йиллар қарзини секин-аста узишдан иборат. Ўтган йили жами қўйлар сони бурноғи йилдагига қараганда 3.125 бош кўпайди. Жумладан, совлиқлар 2 минг бошга ошди. Жорий йилда ҳар юз бош совлиқдан 102 тадан қўзи олиш ва унинг 80 процентини ўстиришга қолдириш режаси белгиланганди. Дастлабки сарҳисоблар бу марра эгалланажагидан дарак бермоқда.

Қўйчиликда СЖК препаратини қўлланишдан воз кечилганлиги совхоз ҳамёнига барака киритди. Қоракўл териларнинг азалий довруги тикланиб бормоқда. Мана баъзи кўрсаткичлар муқояса: 1985 йилда ҳар дона қоракўл тери 24 сўм 21 тийиндан, 1986 йилда 26 сўм 30 тийин, бултур 28 сўм 30 тийиндан сотилган бўлса, бу йил бу рақам 30 сўмдан кам бўлмайди. Айни пайтда жун сифатини яхшилаш ҳисобига ҳам даромад салмоғи ошади.

Совхоз яйловлари 95 минг гектар майдонни ишғол этган. Унинг 7. 739 гектарида баҳорикор ғалла ва бошқа экинлар ўстирилаяпти. 330 гектар ерда нўхат, 15 гектарли далада зиғир ва 350 гектар майдонда кунжут баравж ўсаяпти. Илгари йўқ бўлиб кетган жувозхонани қайта тиклашмоқда.

Фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳим омил бўлаётир. Чорвадорлар Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети мутахассислари ва Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот институти олимларининг доимий ёрдамидан баҳраманд бўлишаяпти. Айни пайтда қоракўлчиликка ихтисослашган совхозда меҳнат кишисига ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор берилаяпти. 22 та мактаб, 5 та болалар боғчаси, 2 та шифохона, замонавий стадион ишлаб турибди. Чорвадорлар учун 40 та типовой уй лойиҳаси тайёрлаб қўйилди.

Совхоз аҳли эришаётган кўрсаткичларга мутахассис сифатида синчиклаб назар ташлайман. Бу ерда нимани яхши нарса хусусида гап кетса, уларнинг ҳаммаси коллектив пудратни оқилона жорий этиш самараси сифатида баҳоланмоқда. Ишлаб чиқариш жабҳаларининг барчаси тўласинча хўжалик ҳисобига ўтказилган. Меҳнатни ташкил этишнинг янги шакли шунинг учун ҳам айни муддао бўлаяптики, мазкур шароитда кимнинг қандай ишлаётганлиги яққол кўриниб туради, текисчилик сиёсати барҳам топади. Бош экономист атрофидаги мутахассислар ҳар бир ишчига пудратнинг мазмун-моҳиятини содда тилда тушунтириб беришган. Мақсад аниқ бўлгач, уни забт этиш учун интилиш ҳам астойдиллик касб этади. Хўжаликда 67 та оилавий звено маъмурият билан шартнома имзолаган. Бу ҳужжатда ҳар иккала томоннинг бурчи, бажариладиган юмушлар аниқ-тиниқ кўрсатилган. Шартнома асосида ишлаш транспорт, ишчи кучи, моддий маблағ ва бошқа ресурсларни тежаш имконини берди, маҳсулот сифати ошди.

Раҳмонжон Жуманов бошлиқ отар уч кишидан иборат. Бу коллектив 537 бош қўйнинг ҳар биридан 23 килограммдан гўшт ва тола ҳисобида 1,7 килограмм жун, ҳар юз бош совлиқдан 97 тадан қўзи, жами 521 та қўзи олишга, 177 та қоракўл тери топширишга аҳду паймон қилиб шартномага имзо чекишган. Йил мобайнида звено аъзоларига ҳар бош қўй учун 55 тийиндан (бу ойига ўртача 120 сўмдан тушади) аванс бериб борилади. Отарда иш ҳақи фонди, ем-хашак, транспорт, амортизация, суғурта тўлови, жорий ремонт каби харажатлар жами 22,6 минг сўмни ташкил этади. Шартномада кўрсатилган харажатларнинг тежалган қисмидан 70 процента мукофот тариқасида берилади. Хуллас, чўпоннинг йиллик даромади 6 минг сўмга бориб қолади. Агар шартноманинг маълум бандлари бажарилмаса йил охирида иш ҳақидан чегириб қолинади.

Совхознинг ўз машъаллари бор. Ҳалол меҳнат билан ном чиқарган чўпонлар барчанинг ифтихори. Ўн тўрт фарзандни оқ ювиб-оқ тараган Шарофат ая Абдураҳимова кўп йиллар мобайнида сурув кетидан юрганлигининг ўзи жасорат. Ҳозир унинг отарини турмуш ўртоғи III даражали Меҳнат шуҳрати ордени нишондори Абдурасул Абдураҳимов, ўғли Абдусаттор ва келини Амина оилавий звенога бирлашиб боқишаяпти. Самарқанд область Совети депутати Ибодулла Бобоқулов ака-ука Суннат ва Ширин Узоқовлар билан бирга аҳил меҳнат қилмоқда. Мазкур коллектив ҳар юз бош совлиқдан 109 тадан қўзи олди. Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзоси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Абдулла Ҳамроев укалари Саъдулла ва Қувондиқ билан сурувга сурув қўшиб келаяпти. Ойзода Шомуродова, Бўриев Худойқулов, Тўйимбой Тўйбеков, Саид Қосимов, Олтин Қурбонов, Элмурод Кўбаева каби чўпончўлиқлар ҳам номдор чорвадорлардан ортда қолмасликка интилишаяпти.

Хўжалик меҳнаткашлари партиямизнинг ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлашаяпти. Яқинда бу ерда учта бўлим қисқартирилди. Бир йўла 34 та бошқарув ходими ҳаётга янада яқинроқ жойга бориб ишлайдиган бўлди. Анчамунча харажатлар қисқарди. Туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш туфайли янгидан-янги уфқлар очилмоқда. Бу йўл тезроқ самара беришига ишончимиз комил.

Т. ҒАНИЕВ,
Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети бош мутахассиси.

Агросаноат комплекси экономикаси: ўзини-ўзи пул билан таъминлаш муаммолари

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ВА КАДРЛАР ОМИЛКОРЛИГИ

Яқинда М. С. Горбачев Узбекистонда бўлган вақтида республикада яратилган потенциал зарур самара бермаётганлигига эътиборни жалб этди. Қишлоқ хўжалигининг фонд билан таъминланганлиги 1970 йилдан 1986 йилгача 4,1 баравар кўпайди, ялпи маҳсулот эса фақат 1,5 баравар ўсди. «Меҳнат унумдорлиги, — деб таъкидлади у, — эски даражада қолиб кетди. 80-йилларнинг бошидан бери республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми ўсмаяпти».

Туб ислоҳот, хўжалик ҳисобига, хўжалик юритишнинг янги услубларига ўтиш яратиб бераётган имкониятлардан кенг фойдаланиш вазифаси қўйилди. Республикада ана шундай тажриба бор, лекин у секинлик билан ёйилмоқда.

Сурхондарё область агросаноат комитетининг хўжаликлари ва корхоналари биринчи бўлиб хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишди. Бизнинг мухбиримиз область агросаноат комитетининг раиси Ҳ. Шарофуддинов билан учрашди. Қуйида улар ўртасида бўлиб ўтган суҳбат босилмоқда.

— Ҳимойиддин Шарофуддинович, область агросаноат комитетининг хўжаликлари ва бошқа корхоналари (ҳаммаси бўлиб улар 239 та) янги шароитларда ишлай бошлашди. Бу дадил қадам. Негаки, ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишга қарор қилиш учун шунга мувофиқ равишда иқтисодий асослар ҳам керак бўлади.

— Шундай асослар бор. Бутун область экономикасининг 80 процента Сурхондарё аграр сектори ҳиссасига тўғри келади. Дастлабки икки йилда ана шу аграр секторда ижобий силжишлар кўзга ташланди. Ўн биринчи беш йилликнинг ўртача йиллик даражасига таққослаганда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 18 процентга, шу жумладан пахта толаси — 7 процент, гўшт — 16,3, сут — 30,3 процентга кўпайди. Олинган ялпи маҳсулотнинг ҳар бир сўми ҳисобига қилинган харажатлар 10 тийинга арзонлашди ва рентабеллик 37,5 процентгача ўсди.

Муваффақиятларнинг баъзи бир омилларини айтиб ўтмоқчиман. Хўжаликларда алмашлаб экишларни жорий қилдик, ерларнинг юқори маҳсулдорлигини таъминлаш мақсадида экинларнинг оқилона структурасини белгилаб чиқдик. Ставрополликлар тажрибаси бўйича бошқаришнинг цех структурасини қўллана бошладик. Хўжаликларда илгариги агроучасткалар ва бўлимлар ўрнига деҳқончилик, механизациялаш, чорвачилик, ирригация ва мелиорация, шунингдек, маданият ва маиший хизмат цехлари ташкил этилди.

Деҳқончилик цехларида пахта, дон ва силос учун маккажўхори, сабзавот, ҳўл мева ва озуқа етиштиришга ихтисослаштирилган йирик бригадалар ташкил этилди. Цех структурасига ўтилиши муносабати билан хўжаликларда бошқариш аппарати ходимлари ва хизмат кўрсатувчилар сони 480 кишига камайдики, улар оладиган йиллик иш ҳақи фонди 712 минг сўмни ташкил этар эди. Меҳнатни яхшироқ ташкил этиш туфайли 16 миллион сўмлик турадиган ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалик машиналари бўшатиб олиниб, улар ёрдамчи хўжаликлар ва кооперативларга реализация қилинмоқда.

— Лекин шунга қарамай, статистика бошқармасидан хабардор қилишларича, областда 18 хўжалик оғир молиявий аҳволда экан. Улар давлатдан 20 миллион сўм қарз бўлиб қолишган. Яна шу муаммо ҳам борки, 246,4 миллион сўмдан иборат бутун фойданинг тўртдан уч қисми иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлган хўжаликларнинг 50 процента қўлида жамлангандир. Барча қарзларнинг тўртдан уч қисми эса камқувват, қолоқ хўжаликларнинг учдан бирига тўғри келади. Хўш, зарар келтираётган корхоналар масаласи нима бўлади?

— Биз барча хўжаликларни иқтисодий кўрсаткичларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, рентабеллилик даражасига қараб группалар тузиб чиқдик. 103 колхоз ва совхоздан 12 тасининг рентабеллилик даражаси 70 процентдан юқоридир, 44 хўжаликда эса — 40 дан 70 процентгача, 17 хўжаликда эса — 30 дан 40 гача ва 22 хўжаликда 11 дан 13 процентгачани ташкил этади.

Фойда олиш ва рентабеллиликнинг ташкил топган барқарор даражаларини ҳисобга олиб, айрим хўжаликларни босқичма-босқич тўла хўжалик ҳисоби шароитларига ўтказишга қарор қилинди. Камқувват хўжаликларни кадрлар билан мустаҳкамлаймиз. Лекин улар иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланмаса, тўла ривожланиш йўлига тушиб ололмайди. Рентабеллиги паст ва зарар кўрадиган хўжаликлар молиявий аҳволини соғломлаштириш мақсадида уларнинг ссудалар бўйича давлат банкига қайтарадиган 83 миллион сўм қарзларини тўлаш муддати 1995 йилгача узайтирилди.

1988 йилгача хўжаликлар капитал сарфларини молия билан таъминлаш, мактабгача тарбия муассасаларини сақлаш, техника, минерал ўғитлар нархларидаги фарқларни қоплаш, оғир вазнли ёш қора молларнинг харид нархларига устама тўлаш ва бошқа мақсадлар учун бюджетдан 36 миллион сўм маблағларнинг 70 процентини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларига устама сифатида оладилар.

Шу ўринда кичкинагина, лекин муҳим тушунтириш бериб ўтиш лозим бўлади. Харид нархларига қўшиладиган устама — бу гарантияланган эмас, балки вақтинчалик иқтисодий тадбирдир. Бошқача қилиб айтганда, бундай устама ҳамма вақт тўланавермайди. Хўжаликлар ўз ишлаб чиқариш потенциалини кучайтиришлари, аммо шу билан бирга унинг қайтимини кўпайтириш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилишлари зарур.

Шубҳасиз, маблағларни қайта тақсимлаганда молиявий аҳволи ва ишлаб чиқариш кучлари кўпроқ издан чиққан хўжаликлар бундай маблағларни хийла анча оладилар. Бу билан биз тенг бўлган старт олиш имкониятларини яратамиз. Бундай ишдан кузатилган мақсад — иқтисодий жиҳатдан камқувват бўлган хўжаликлар зарар келтиришига барҳам бериб, улар ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишдир.

— Борди-ю кўрилаётган чораларга қарамай, айрим колхоз ва совхозлар ўз аҳволини яхшилай олмасалар ва тўла хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитларида ишлаш даражасига кўтарила олмасалар, у ҳолда нима бўлади?

— Шундай ҳолат рўй берган тақдирда, ерларнинг бир қисмини бақувват хўжаликларга ёки кооперативларга беришни, зарар келтирадиган хўжаликларни кучлироқлари билан қўшиб юборишни, ёки ерларни ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш учун саноат корхоналарига беришни мўлжалламоқдамиз. Хуллас, биз конкрет шароитлардан келиб чиқиб, ҳар қандай самарали ечимлар ва ташкилий-иқтисодий тадбирлар кўриш ниятидамиз. Дарвоқе, кейинги икки йил ичида ерлари кам ва норентабел бўлган 15 та совхоз тугатилди. Шу йилнинг ўзида «Дербант», «Ширин» совхозлари ва мевали кўчат етказувчи питомник зарар келтирувчи хўжаликлар сифатида тугатилди.

— Агросаноат комитети хўжаликларининг бюджет билан, юқори ташкилотлар билан муносабатлари қай йўсинда қурилади?

— Бундай муносабатлар иқтисодий асосланган узоқ муддатли нормативлар негизига қурилади. Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари учун 1988—1990 йилларга планли фойданинг ўртача 4 процентгачасини бюджетга тўлаш нормативлари белгиланган. РАПО, область агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг марказлаштирилган (резервли) фондлари ташкил этилади. Колхоз ва совхозлар ўзларининг иқтисодий аҳволига қараб, ана шу фондга олган фойдаларининг 30 дан 40 процентгачасини ўтказиб турадилар. Бу маблағлар хўжаликлараро тадбирларни амалга оширишга, табиий офатлар етказган зарарларни қоплашга, агросаноат системаси аппаратини сақлашга сарфланади. Резерв фонддан кўрсатиладиган ёрдам қайтариш шарти билан берилади. Олинган ёрдам суммаси эса асосан йиллар яхши келган вақтда қайтарилади.

— Хўжаликлар раҳбарлари билан суҳбатларда кўпинча РАПО штати ниҳоятда катталашиб кетган, уни қисқартириш керак, деган гапларни эшитиш мумкин. Сизнинг бу ҳақдаги фикрингиз қандай?

— Область агросаноат комитетини ташкил этаётганимизда аппаратни 30 кишига, РАПОда эса 15 процентга қисқартирдик. Ҳозирги вақтда уларнинг ходимлари 33 дан 49 кишигачани ташкил этади. Хўжалик ҳисоби принциплари ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш асосида ишлашнинг дастлабки босқичида Термиз, Ангор, Ленинйўли ва Сариосиё районларида РАПОларни тугатиш ва илғор хўжаликлар базасида аграр бирлашмалар ташкил этишни кўзда тутмоқдамиз. Кўриб турибсизки, янги хўжалик механизми бошқаришнинг оптимал вариантларини излашга мажбур қилмоқда. Шундай қилинганда аппаратни сақлаш учун кетадиган харажатлар ҳам камаяди.

— Яхши йўлга қўйилган ички хўжалик ҳисоби, оила пудратини жорий этиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Маълумки, «Ангор» совхозида Д. Сафаров бошлиқ уч кишилик оила ўтган йили 0,43 гектар майдонда 24 тонна сабзавот етиштирди. Бу областдаги ўртача ҳосилдорликдан уч марта кўпдир. Умуман олганда, совхоз сабзавоткорлари оилавий пудрат усулида ишлаб, давлатга маҳсулот сотиш планини 3,5 марта ошириб бажардилар...

— Биз коллектив ва оила пудратини жорий этиш йўлидан дадил бордик. Ҳозир умумий ялпи маҳсулотнинг 85 проценти ана шундай бўлинмаларда етиштирилмоқда. Жуда бир муҳим ҳолатни таъкидламоқчиман. Илгари кўпгина хўжалик раҳбарлари фақат ҳар хил қўшимча ҳақ ва мукофотлар тўлаш билан одамларнинг меҳнат активлигини оширишга ўринардилар. Бундай қилиш кўпинча пировард натижалар билан жуда кам, баъзан эса бутунлай боғланмаган бўларди. Қўшимча ҳақ ва мукофот далада ёки фермада бир марта кўриниш берганларга ҳам тўланаверган. Хўжалик ҳисоби ва коллектив пудрати «иш вақти баҳоси»ни кўтарди. Якун мана бундай бўлди: ўтган икки йил мобайнида бу бўлинмаларда меҳнат унумдорлиги ўртача 20—30 процентга ошди.

Эътиборга молик яна бир факт. Пахтачилик бригадалари ички хўжалик ҳисоби ва харажатларни назорат қилишнинг чек системасига ўтишлари муносабати билан пахта теримига четдан одамлар кам жалб қилинадиган бўлиб қолди. Машина теримига кўпроқ суянилмоқда.

Хўжалик ҳисоби областимиз хўжаликларида тўла куч-қувват билан ишлаяпти, деб хулоса чиқариш мумкин эмас, албатта. Ишлар эндигина авж олдирилмоқда. Ишнинг буйруқбозлик — тазйиқ ўтказиш услубидан воз кечолмаётган; ўз устига масъулият олишни хоҳламаётган раҳбарлар ҳанчагина учраб турибди. Бу, коллективларда бўшанглик, бетайинлик, меҳнат ва технология интизомини бузиш ҳолларини келтириб чиқармоқда.

Биз кадрларни ўқитиб, ўргатишимиз, уларда иқтисодий ва ахлоқий жавобгарлик ҳиссини тарбиялашимиз керак. Албатта бу қийин иш. Биз бригада, звено ва фермалар раҳбарларининг босқичма-босқич ўқишини ташкил этдик. Шунга қарамай, кўпгина раҳбарлар, менинг ишонч ҳосил қилишимча, хўжалик механизмини қайта қуриш моҳиятини тушуниб етмадилар. Ўқитиш ўз мақсадига эришмади. Ҳойнаҳой, хўжалик ҳисобига ўргатиб, ўқитиш бу амалий жараён эканлиги боисидан шундай бўлди. Ёзиб қўйилган ҳақиқатларни «қулоққа қуйиш» бу ўринда ҳеч нарса бермаслиги мумкин. Ҳозир биз ўқишни ҳар бир хўжаликда цехлар бўйича табақалаштирилган ҳолда ташкил этдик.

— Сиз тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтиш билан боғлиқ ишлар эндигина авж олдирилмоқда, деб айтдингиз. Бу борада қандай қийинчиликлар, муаммолар пайдо бўлмоқда?

— Қийинчиликлар ҳам, муаммолар ҳам бор. Планлаштиришдан бошлайлик. Бизга маълум қилинган контрол рақамлар, давлат буюртмаси шубҳа туғдирмайди. Уларга беш йиллик план асос қилиб олинган. Шу билан бирга, илгарилари бўлганидек, қандай майдонларга нима экиш лозим, қандай ҳосил олиш, неча қорамол боқиш ва қандай маҳсулдорликка эга бўлиш кераклиги тўғрисида олдиндан белгилаб қўйишлар ҳам бўлиб турибди. Шундай қилинар экан, ишбилармонлик қилиш, ташаббус ва омилкорлик кўрсатиш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Ёки бошқа масала. Социал соҳани ривожлантириш областда энг ўткир муаммодир. Бу ўринда бизнинг кўрсаткичларимиз республика бўйича ўртача кўрсаткичдан 1,5 баравар пастдир. Бу аҳвол шу сабабдан рўй бердики, илгари пудрат ишлари материал фондлар билан атиги 40-50 процент таъминланарди. Ўтган йили бундай фондларни ажратиш 67 процент бўлди. Бу йил 40 миллион сўмлик ресурслар олишимиз керакки, мазкур имконият бизга ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қурилишини хўжалик усулларида кенг авж олдириб юбориш имконини беради. Аммо бизга: «Шошмай турингларр, хўжаликлар биринчи навбатда қаерда ва нима қуришларини биз белгилаб берамиз», дейишяпти. Афтидан, республика Агросаноат давлат комитетида колхоз нимага муҳтожлигини яхшироқ билишса керак-да! Бу кулгули эмасми?

Охирги масала. Хўжалик ёки агросаноат комплексининг бошқа бир корхонаси олган барча фойда ажратмалардан кейин тасдиқланган нормативларга мувофиқ учта фондга тақсимланади. Кўпгина раҳбарлар ана шу маблағларни тақсимлашни коллективнинг ўзига қўйиб бериш тўғрироқ бўлур эди, деб ҳисобламоқдалар. Ахир, маблағдан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш ҳаммадан кўра раҳбарга яхши маълум-да. Бу хўжаликнинг мустақиллиги ва масъулиятини оширади.

(«ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ГАЗЕТА»нинг 1988 йил 16-сонидан).

ДЎСТЛИК РАЙОНИДА

БОЛАЛАР БОҒИ

Дўстлик шаҳри марказида ҳашар йўли билан болалар боғи барпо этилмоқда. Келгусида бу оромгоҳда ўйин майдончалари, гулзорлар, кафе, видеобар, кутубхона фойдаланишга топширилади.

Умумхалқ ҳашарида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг коллективлари фаол қатнашмоқдалар.

* * *

МАКТАБНИНГ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИГИ

В. И. Ленин номли ўрта мактаб ошхонасида сутли таомлар тайёрлаш яхшиланди. Бунга билим маскани қошида ёрдамчи хўжалик ташкил этиш йўли билан эришилди. Ўқувчилар шу кунларда уч бош сигирни парвариш қилаяптилар. Улар учун озуқани ўзлари етиштиришмоқда.

Мактаб маъмурияти ёрдамчи хўжаликни кенгайтириш тадбирларини белгилади.

* * *

ИБРАТЛИ ИШ

«Комсомол» совхозидан ўн олтита пахтачилик бригадаси 1988 йилда ўзини сабзи, пиёз, помидор, бодринг, картошка сингари сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан тўла таъминлайди. Шу мақсад учун уларга ўн икки гектар ер ажратиб берилди.

Бу қулайлик пахтакорларни кундалик эҳтиёж учун бозорга қатнаш ташвишидан халос этади.

* * *

КЎП ЮРГАН КЎП БИЛАДИ

Ғафур Ғулом номли ўрта мактаб маъмурияти ўқувчиларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳатини уюштирди. Ёш туристлар қадимий ва навқирон шаҳарнинг тарихий обидалари, бугунги ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

* * *

МАТЕМАТИКА ВА ЭҲМ

Файзулла Хўжаев номли ўрта мактабнинг математика кабинетида йигирмата электрон-ҳисоблаш машинаси пайдо бўлди. Фан-техника ютуқларини дарс жараёнига жорий этишда ўқитувчи Ҳайитбой Жўрақулов ташаббус кўрсатмоқда.

* * *

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИГА МАРҲАМАТ

В. И. Ленин номли совхозтехникумда фойдаланишга топширилган янги уйларда ҳовли тўйлари бўлаяпти. Турар жойларни райондаги хўжаликлараро механизациялашган 58-кўчма колонна бунёдкорлари барпо этдилар.

И. ЖОНУЗОҚОВ,
Б. НОРҚУЛОВ.

Ангор районидаги «Ангор» совхози деҳқонлари истеъмолчиларга карам жўната бошладилар. Москвадаги қишлоқ хўжалиги ярмаркасига 180 тоннадан зиёд сара сабзавот етказиб берилди. Совхозда пудрат кенг жорий этилгани туфайли эртаги, мўл маҳсулот етиштирилмоқда. Айни пайтда 650 звено илғор усулда иш юритаяпти. Бу йил хўжалик бўйича 6 минг тонна сабзавот, 600 тонна полиз, 1.000 тонна мева тайёрлаш мўлжалланган.

СУРАТДА: Абдиевлар оилавий звеноси янги узилган карамни жўнатишга ҳозирламоқда.

Ш. ШАРОПОВ фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Уйчи районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси Маҳмуда Тўраева сигирсоғарлик касбини онаси Эргашхон аядан ўрганди. Шу касбга меҳр қўйиб эл ичра ҳурмат-эътибор топди. Унинг ҳаётида бу йил қувончли воқеа рўй берди: колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездида делегат сифатида қатнашди. Ҳозир Маҳмуда янги марраларни кўзлаб меҳнат қиляпти. Эл дастурхонини мўл-кўл ноз-неъмат билан таъминлаш орқали Озиқ-овқат программаси ижросига салмоқли ҳисса қўшиш — моҳир чорвадорнинг дил муддаоси.

А. ЮСУФБОЕВ фотоси.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди делегати, Халқлар дўстлиги ордени соҳиби Раҳмон Арзиев қарийб йигирма йилдан бери «Правда» колхозида сабзавотчилик бригадасини бошқармоқда. Коллектив план ва мажбуриятларни мунтазам бажараяпти. Бултур давлатга 1.408 тонна маҳсулот сотилиб, топшириқ 1,7 ҳисса ошириб уддаланди. Эришилаётган ютуқларда бригадирнинг катта хизматлари бор, албатта.

Р. Арзиев бошлиқ коллектив бу йил жами 1.500 тонна сабзавот тайёрлашга бел боғлаган. Шу кунларда помидор, бодринг, карам, сабзи, лавлаги ва бошқа экинлар парвариши обн-тобида ўтказилаяпти. Дала ишларида Абдусалим Иброҳимов, Абдурашид Қаршиев, Ғафур Эшматов, Неъмат Оққўзиев, Мустафо Нормаматов, Равно Шарипова, Нодира Арзиева каби сабзавоткорлар, механизатор Хушвақт Йўлдошев фаол қатнашиб, бошқаларга ибрат бўлишмоқда.

Ш. МАҲМУДОВ.

БОСМАДАН ЧИҚДИ

«МУХБИР» — «КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг 1988 йил 4-сони «Ленин номи билан» сарлавҳали бош мақола билан очилади. Профессор Н. Иброҳимовнинг «Совет дипломатиясининг ленинча принциплари» мақоласи доҳий туғилган кунинг 118 йиллигига бағишланган.

«Қайта қуриш: ҳаракат қилиш даври» умумий сарлавҳаси билан бир нечта материал берилган. «Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан» рубрикаси остида «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси партия турмуши ва пропаганда бўлимининг мудири, редакция партия бюросининг секретари М. Қаюмовнинг «Журналист масъулияти» мақоласи ўрин олган. «Матбуот обзори» рубрикаси остида эса «Узбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельское хозяйство Узбекистана» журнали чорвачилик ва озуқа етиштириш бўлимининг редактори В. Азаматовнинг «Даъватларнинг ўзи етарлими?» ва республика радиоси ёшлар учун эшиттиришлар бош редакцияси бўлимининг мудири В. Чубнинг «Қалбдан бир-бирини тушуниб» материаллари босилган.

«Ижодий учрашувлар клубида бу гал Тошкент область Ўрта Чирчиқ район «Машъал» газетаси ходимлари қатнашганлар. Улар қайта қуриш даврида ўз вазифаларини қандай бажараётганликлари ҳақида ҳикоя қилиб берганлар. «Тажриба. Ташаббус» рубрикаси остида эса Қува район «Ленин байроғи» газетасининг редактори А. Мирзаевнинг «Юристлар билан биргаликда» сарлавҳали мақоласи ўрин олган.

Тошкент область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармасининг бошлиғи Ш. Миралимовнинг «Район газетасининг иқтисодий ўсиши: унга нима тўсқинлик қиляпти?» сарлавҳали мақоласи рентабеллик масаласига бағишланган.

«Лауреатлар ҳақида ҳикоя қиламиз» рубрикаси остида Андижон область «Коммунист» газетаси агросаноат бўлимининг мудири И. Сотволдиевнинг журналистик фаолияти тўғрисида шу газета редакторининг ўринбосари М. Норхўжаевнинг «Ҳаёт — унинг мактаби», «Ҳамкасбларимиз» рубрикаси остида эса кекса журналист Р. Довутбеков ҳақида Р. Исҳоқовнинг «Эл ардоқлаган журналист» лавҳалари босилган.

«Кашкадарьинская правда» газетаси агросаноат комплекси бўлимининг мудири Р. Эҳсоновнинг «Кутиш эмас, ҳаракат қилиш керак» деб номланган мақоласи «Стажировкадан кейинги ўйлар» рубрикаси остида берилган.

Бу сонда «Беш йилликнинг янги қурилишларида», «Фоторепортаж», «Вернисаж», «Деворий газета», «Ахборот», «Ёшлар ижодидан» ва бошқа рубрикалар остида турли-туман материаллар ҳам эълон қилинган.

* * *

Журналга ёзилолмай қолган ўртоқларга шуни эслатамиз: обуна чекланмаган миқдорда ва исталган муддатга барча алоқа бўлимларида, «Союзпечать» маҳаллий агентликларида кейинги ойлар учун ҳозир ҳам қабул қилинади. Обуна баҳоси: бир квартал — 90 тийин, ярим йилга 1 сўм 80 тийин, 7 ойга — 2 сўм 10 тийин.

ЗАРБДОР СУРЪАТ, АЪЛО СИФАТ

ХАТЛАРНИ ЎҚИБ...

Бутун мамлакатимиз миқёсида бўлаётгани сингари Ўзбекистонимизда ҳам Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига социалистик мусобақа қизғин тус олаётир. Кўпдан-кўп саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, автохўжаликларнинг коллективлари мажбуриятга яраша меҳнат қилмоқдалар. Республикамизнинг турли бурчакларидан редакцияга келаётган хат-хабарлар оқими шундан далолат беради.

Уйчилик М. Қодиров йўллаган «Вақтдан ўзиб ишлаётганлар» сарлавҳали мақолада райондаги йирик саноат корхоналаридан бири — ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишаётгани, коммунистлар анжумани шарафига ўзаро социалистик мусобақа тобора авж олаётгани ҳақида ҳикоя қилинади. Корхонада ўнлаб, юзлаб зарбдорлар ойлар, йилларни ортда қолдириб ишлашмоқда. Коллектив бу йил 57 миллион 690 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаган. Бирлашма ишчилари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига зарбдор вахтада туриб меҳнат қилишмоқда.

Жамоатчи мухбиримиз Қурбоной Султонованинг «Байроқдорлар сафида» сарлавҳали мақоласи Қўқондаги «Хурмат белгиси» орденли нон комбинати директори Олимқул Мавлонов билан суҳбат асосида ёзилган. Унда ярим йиллик топшириқни партия конференцияси очиладиган кун — 28 июнга қадар бажариш ҳамда планга қўшимча 80 тонна нон, 50 тонна макарон, 100 тоннадан зиёд қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажбуриятини олган аҳил коллективнинг шу кунларда амалга ошираётган фидокорона ишлари мадҳ этилади. «Кўзланган маррани забт этиш учун йил бошида Самарқанд, Тошкентдаги турдош корхоналарни мусобақага чақирдик ва беллашиб ишлаяпмиз, — дейди корхона раҳбари. — Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига — ўн тўққиз зарбдор ўн қунлик» шиори остида меҳнат баҳсини тобора авж олдираяпмиз. Корхонамиз сифат назоратчиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси А. Коптева, қадоқловчи О. Нишонова, бригадирлардан Ҳ. Жалолов, С. Абдуазизов ва М. Эргашев ғолиблиқни қўлдан бермаяпти».

«Шойи газламалар комбинати 1-тўқув цехининг пешқадам тўқувчиси Зоя Нехочина март ойи планига қўшимча равишда тақдим этган 84 минг метр газламадан 30 минг хотин-қиз ёки 35 минг эркак кўйлаги тикса бўлади». Наманганлик Т. Сулаймоновнинг «Аъло сифат билан» дея номланган хабари ана шундай сатрлар билан бошланади. Унда бир йўла 22 та дастгоҳни бошқараётган чевар тўқувчи Зоя Нехочина ҳозир ўн иккинчи беш йиллиқнинг учинчи йили планини бажариш арафасида тургани, унинг ёшларга нисбатан ғамхўр, жонкуярликлари ҳам таъкидланган.

Қўқимизда икки хат — икки хушхабар. Чироқчилик Т. Ҳолиқов «Каршинефть» нефтьгаз ишлаб чиқариш бошқармасининг «Тошли» участкаси коллективи 60 га яқин қудуқдаги қурилмаларнинг унумли ишлашини таъминлаб, ҳар куни 250—270 тонна «қора олтин» қазиб олаётгани, бунда Ражаб Худоёров, Эшим Хўжаниёзов, Тонготар Равшанов, Нихши Худоёров кўпчиликка намуна бўлаётганликлари тўғрисида хабар берса, термизлик А. Усмонов Термиз пахта тозалаш заводининг Раъно Арчаева, Малика Одинаева, Зокир Шобердиев каби ишчилари меҳнат беллашувида олдинги safda бораётганликларини алоҳида таъкидлайди.

Инсон қўли гул, дейдилар. Бугунга келиб қанчадан-қанча бийдай чўллар ўзлаштирилиб, боғу бўстонга айлантирилди, кўплаб янги шаҳарлар, посёлкалар бунёдга келди. Буларнинг бари инсон, унинг забардаст қўллари меҳнати самарасидир. Каттақўрғонлик А. Рўзиевнинг редакцияга йўллаган «Янги ер очилаяпти» сарлавҳали хабари ана шу мавзуда ёзилган. Мактубда райондаги сув хўжалиги қурилиши билан шуғулланувчи ихтисослашган механизациялашган 1-кўчма колонна азаматларининг дашт зонада амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари, Зиёд Тошқулов, Дўстмурот Бердиев, Тоҳир Қувватов, Бердимурот Остонов, Жўрақул Бозоров каби гидромеханизаторлар ғайрат-шижоат кўрсатишаётгани қаламга олинган.

Жамоатчи мухбирлар ҳалол меҳнати билан эл олқишига сазовор бўлаётганлар ҳақида меҳр билан ёзишган. Амударёлик О. Юсуповнинг «Қўли гул қурувчи» дея номланган мақоласида 15-қурилиш бошқармасининг тадбиркор винокори Ҳамидулло Мадраҳимов ҳамкасбларига ўрнак бўлиб, ойлик, квартал планларини ошириб бажараётгани ҳақида ҳикоя қилинган. Шунингдек, ромитанлик Ҳ. Абдуллаев, андижонлик Ғ. Парпиев, тўрткўллик К. Матмуродов, косонсойлик Ю. Шарипов, задарёлик Э. Қаюмов, олтариқлик А. Нурматов сингари фаол жамоатчи мухбирларимиз юборган мактубларда ҳам меҳнат илғорлари, пешқадам коллективлар, улар амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари тўғрисида фикр юритилади.

Катта анжуман — Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси яқинлашган сари меҳнат коллективларининг мусаффақиятлари ҳақидаги хатхабарлар оқими тобора ортмоқда. Бу ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар қайта қуриш жараёнида фаол иштирок этаётганликларидан, партия сиёсатини қўллаб-қувватлаётганликларидан, конференцияни муносиб туҳфалар билан қаршилашга интилаётганликларидан далолат беради.



«Хорезмсовхозводстрой» трести — Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг пешқадам ташкилотларидан бири. Коллектив 1987 йилги республика социалистик мусобақаси якунларига кўра ғолиб деб топилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Трест гидромеханизаторлари, инженер-техник ходимлари мукофотдан руҳланиб, янада унумли меҳнат қилмоқдалар. Улар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига зарбдор вахтада туриб ишлаяптилар. Бу йил 1.300 гектар янги ер ўзлаштириш, 2.733 гектар майдонни текислаш ва 3.662 гектар экинзорнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун барча имкониятлар ишга солинаётир.

СУРАТЛАРДА: 1. Пешқадам скреперчи Баҳодир Каримов. 2. Ерларни текислаш пайти. 3. Илғор гидромеханизаторлардан К. Давлатов (чапдан), Ш. Отажонов, А. Ражабов ва И. Абдуллаев ўзаро суҳбатда.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ фотолари.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий воситалар билан бартараф этиш юзасидан апрель ойининг ўрталарида Женевада имзоланган битимлар сиёсат доираларининг ва жаҳон жамоатчилигининг ҳамон диққат марказида турибди. Зўр халқаро аҳамиятга эга бўлган, Афғонистон муаммосини бартараф этиш учун зарур ташқи шароитларни яратувчи фавқулодда муҳим воқеа рўй берди, деган фикр якдиллик билан изҳор этилмоқда.

Женева жараёни ниҳоясига етказилганига берилган бу баҳо мутлақо табиийдир. Ҳозирги замоннинг энг мураккаб маҳаллий можароларидан бирини ҳал этишда муҳим қадам қўйилди, бу можаронинг акс садолари у ривожланиб борган географик райондан анча олисларда ҳам жуда сезилиб турар эди.

Женева битимларининг имзоланиши ўз аҳамияти жиҳатидан ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Совет — Америка шартномаси билан бир қаторда туради. Иккала ҳолатда ҳам томонларнинг бир-бири манфаатларини эътиборга олишга тайёрлиги туфайли муваффақиятга эришиш мумкин бўлди. Айни шартнома каби Женева битимлари ҳам янгича сиёсий тафаккур халқаро сиёсатда мухолифлик психологиясидан, эскирган сийқа фикрлардан устун бўлиб чиқиши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Женева жараёнини ниҳоясига етказиш йўли осон бўлмади. Бу ишда кучайишлар ва сусайишлар, умидлар ва умидсизликлар бўлди, аммо пировард натижада реаллик ва соғлом ақл-идрок туйғуси, можарони бартараф этишда қатнашувчи барча томонларнинг ҳаммага мақбул аҳдлашувга эришиш муддаоси ғолиб чиқди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг ва Афғонистон Республикаси Президенти Нажибуллонинг 1988 йил 8 февралдаги баёнотлари ҳал қилувчи туртки берди. М. С. Горбачев билан Нажибулло ўзларининг Тошкентда 1988 йил 7 апрелдаги учрашувида можарони бартараф этишга дахлдор бўлган ҳамма томонларнинг амалий ўзаро баҳамжиҳат ҳаракати натижасида битимларни имзолаш йўлидаги сўнгги тўсиқлар олиб ташланди, деб қайд этиш имкониятига эга бўлдилар. Женева жараёнини муваффақиятли тугаллашда БМТ Бош секретари ва унинг музокаралардаги шахсий вакилининг хизмати катта бўлди. Бу эса мушкул вазиятларни бартараф этишда БМТнинг потенциал имкониятларини яна бир бор тасдиқлайди.

Женева битимлари мажбуриятлар ва манфаатлар мувозанатини ўзида мужассамлаштиради. Мажбуриятлар Афғонистонга қарши эълон қилинмаган урушни тўхатишни, шу урушнинг Покистон территориясидаги манбаини тугатиш учун зарур чоралар кўрилишини ўз ичига олади, бу хусусда тегишли халқаро кафолатлар берилди. Афғон қочоқларининг ўз юртига қайтиши муаммоси ҳал этилади. Улар ўз оилаларига, ўз мамлакатидаги тинч турмушга бемалол қайта оилаларини учун шароит яратилмоқда. Битимларда Афғонистон ҳукуматининг илтимосига биноан шу мамлакатда турган совет қўшинларини Афғонистондан Ватанга қайтариш муддатлари ва босқичлари белгиланган. Уларни олиб чиқиб кетиш 1988 йил 15 майда бошланади ва кечи билан 1989 йилнинг 15 февралида тугалланади. Бизнинг мамлакатимиз кулфатда қолган дўст қўшни халққа ёрдам берган ўз ўғлонларининг уйига қайтишларини кутмоқда. Совет кишилари уларнинг жасоратини унутмайдилар, афғонлар диёрида жон фидо қилган кишиларнинг хотирасини муқаддас билиб эъзозлайдилар.

Эндиликда Афғонистон теварагидаги вазиятни сиёсий бартараф этишнинг бундан бўёнги тақдири томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бутун комплексини нақадар масъулият, изчиллик ва ғайрат билан тўрмушга татбиқ этишларига боғлиқ. Совет Иттифоқи Женева битимларига тўла мувофиқ равишда иш тутишга, уларнинг қоидаларига аниқ ва оғишмай риоя этишга аҳд қилган. Бу хусусда шубҳа-гумон бўлмаслиги керак: томонларнинг бошқа мажбуриятлари каби совет қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги аҳдлашув ҳам, муқаррар характерга эгадир. Афғонистон ҳукумати ўз мажбуриятларини ҳалол ва изчил бажаришга аҳд қилганини билдирди. Битимларга мувофиқ БМТ раҳбарлигида иш кўрувчи назорат ва текшириш механизми таъсис этилади. Бу эса аҳдлашувлар бажарилишига ишонч даражасини оширади.

Бироқ баъзи сиёсат ва давлат арбобларининг позицияси ҳавотирлик туғдирмай қола олмайди. Женева ҳужжатлари остига қўйилган имзоларнинг сиёҳи қуримай турибоқ, Женева битимларининг руҳи ва харфига зид гаплар айтила бошланди. Шу муносабат билан Совет томони битимлар қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва вазифалари битим текстларидан равшан келиб чиқишини яна бир бор таъкидлашни истайди. Қайд этилган аҳдлашувлардан ҳар қандай чекиниш Афғонистон муаммосини бартараф этиш ишига зиён етказиши мумкин, бутун дунёнинг кўз ўнгида ўз зиммасига олган мажбуриятини бузган давлатнинг маънавий обрў-эътиборига доғ туширади.

Женева битимлари имзоланиши билан афғонлар диёрида тинчлик ўрнатиш истиқболи жуда ойдинлашиб қолмоқда. Бу битимлар Афғонистоннинг ички ишларини ташқаридан ҳеч кимни аралаштирмай, бундан буён қон тўкилишига йўл қўймай ҳал этиш учун шароит яратади. Афғонистон ҳукуматининг ўт очишни тўхатиш ва миллий яраш тўғрисидаги маълум таклифлари тўла-тўкис ўз кучида қолади. Мутлақ кўпчилик афғонлар Женева битимларининг имзоланишини маъқуллаб ва умид билан кутиб олдилар. Пешоварда ўрнашиб олган «ашаддий оппозициягина» ҳамон қайсарлик қилиб, Женева жараёнининг натижаларини тан олишни хоҳламаяпти, уруш ҳаракатларини тўхатишдан бош тортаяпти. Уларнинг урушқоқлик руҳидаги баёнотлари янгилик эмас, бу эса ўз ватанининг, ўз халқининг тақдири учун масъулият туйғуси йўқлигинигина тасдиқлайди, холос. Бироқ энди Покистон ҳукумати ўзининг кескин сўзини айтиши керак, бу мамлакатнинг ҳукумати ўз территориясида Афғонистон ҳукуматига қарши қўпорувчилик фаолияти олиб бориш мақсадида сиёсий ва бошқа группаларнинг туришига, уларни лагерларда ва базаларда ёки бошқа бирон-бир тарзда ящиришга, уларни ташкил этиш, ўқитиш, пул билан таъминлаш, уларга анжомлар ва қуроллар беришга йўл қўймаслик мажбурияти остига ўз имзосини қўйди.

Бутун халқаро ҳамжамият бундан буён Афғонистоннинг ўзидаги вазиятнинг ривожланишини янада зўр эътибор билан кузатиб боради. Президент Нажибулло бошчилигидаги Афғонистон раҳбарияти ўтказаётган миллий яраш сиёсати ҳозирнинг ўзида Женева битимлари имзоланмасидан илгарироқ дастлабки натижаларини бера бошлаган эди ва афғонлар жамиятининг ғоят турли табақаларини ўз тарафига тобора кўпроқ жалб этмоқда. Ўз мамлакатидан кетиб қолган кўпгина афғонлар ҳам энди шу сиёсатни қўллаб-қувватлашларини билдирмоқдалар.

Афғонистон Республикасининг раҳбарияти оппозициядаги барча кучлар билан шу жумладан қўлга қурол олиб ҳаракат қилаётган кучлар билан ҳам мулоқот бошлашга тайёрлигини эълон қилди. Ҳамма эътироф этган бу йўлни амалга ошириш — афғонларнинг ўз ишидир. Фақат уларгина умуммиллий асосда ўзаро келишиб олишнинг ўз мамлакати учун мақбул йўлларини топишлари мумкин. Бошқалар ҳам бу жараёнга кўмаклашишлари мумкин. Бироқ биринчи навбатда, четдан вазиятни кескинлаштиришга олиб бориши, афғонларнинг ўз ўрталарида ҳамжиҳатликка эришиш иложини топишни қийинлаштириши мумкин бўлган бирон-бир ҳаракат қилинмаслиги муҳимдир. Шу муносабат билан БМТ Бош секретарининг ўринбосари Д. Кордовеснинг воситачилик кучғайратлари ҳам фойдали бўлур эди.

Совет ҳукуматининг фикрича, Женева битимларига риоя этиш — жафокаш афғон диёрида тинчлик ўрнатишнинг, Афғонистон мустақил, қўшилмаган, бетараф давлат тарзида қарор топишининг энг муҳим шартидир.

Женевада имзоланган битимлар Совет — Афғонистон муносабатларидагина эмас, шу билан бирга бутун афғон муаммосини ҳал этишда ҳам сифат жиҳатдан янги босқични очади. Афғон халқига тинч турмушни йўлга қўйишда ёрдам бериш — барча давлат, сиёсат ва жамоат арбобларининг, ҳамма софдил кишиларнинг бурчидир.

ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

ПАЛАХМОНДАН ОТИЛГАН ЎҚ

Навоий область «Знамя дружбы» газетасининг 1987 йил 10 июнь сонида «Туҳматнинг умри қисқа ёки Хатирчи районида қайта қуришга қаршилик кўрсатаётган кимсалар хусусида» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Бутун бир саҳифани эгаллаган мазкур мақола асосан Янгиработ шаҳар матлубот жамияти собиқ раиси С. Солиевнинг «ножўя» ишларини фош этишга бағишланган. Муаллиф А. Маҳмудов ўқувчиларни қизиқарли сюжетга маҳлиё қилиб шаҳар матлубот жамияти «сирли ташкилот» эканлигини исботламоқчи бўлади. У ёзади: «Уни «соғин сигир»га айлантирганлар эса ўзларини орқаларида гранит девор тургандек ҳис қилиб яшайвердилар».

Мақолада яна шундай сатрлар бор: «Шаҳар матлубот жамияти «хўжайин»и ҳам атрофидагилар қуршовида дадил тураверди. Унинг номи ваҳимали эсланадиган бўлди. Ким у билан тўқнашадиган бўлса, қўрқитди ёки уриб ташланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумига қадар ва ундан кейин ҳам шундай бўлди. Шаҳар матлубот жамияти минбаридан ҳам социал адолат, виждон ва виждонсизликлар, рашидовчиликнинг зарари ҳақида тўғри сўзлар айтилаверди-ю амалда иш унингчасига, солиевчасига воқеликни бўяб кўрсатиш билан давом этаверди».

Мақоладан олинган мана шу икки парчанинг ўзиёқ Солиевга нисбатан нақадар жиддий айблар қўйилаётганини кўрсатиб турибди. Исбот-далиллар-чи? Шуёғи оқсайди. Ҳарқалай, қонуний далиллар йўқ.

«Шаҳар матлубот жамиятида гўшт ўғирланиб, биринчи категория баҳосида сотиляпти. Қассоблар фиқрича, иккинчи ва учинчи категория гўшт мавжуд эмас», — деб тасдиқланади мақолада. Қассоблар енгиллаштирилган тошлардан фойдаланишаётгани, шу йўл билан харидорларни алдашаётгани ҳақида гап боради. Улар 80 минг сўмдан ортиқроқ пулни ўмаришгани тилга олинади. Муаллиф ўз даъвосининг тасдиғи сифатида сигнални текширган район молия бўлими ходими Ҳ. Абдураҳмонов айтганларига мурожаат этган.

Биз, газетачилар, қонунчиликни бузиш, адолатсизлик кўринишларига доир бирорта ҳодисани эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қиламиз, улар ҳақида ғазабга тўлиб, гражданлик норозилиги билан ёзамиз, бундай қусурларни таг-томири билан йўқотишни талаб этамиз. Шундай бўлиши табиий, бу давр руҳидан келиб чиқмоқда. Айни пайтда еппасига айблашлар, ёмонотлиққа чиқаришлар вақти ўтганлигини ҳам баъзи журналистлар тушуниб олишса, чакки бўлмасди. Биз бир-биримизга «энг ишончли» фактлар ҳақида гапириб беришимиз, «энг ҳақиқий» воқеаларни тилга олишимиз мумкин, аммо тегишли органларгина жиддий саволларга аниқлик киритиш, қонуний жавоблар топиш, жамоатчиликка маълум қилиш ваколатига эгадирлар. Бундай саволлар Солиев атрофида ниҳоятда кўпайиб кетди.

Худди шу сабабга кўра мен Навоий область ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи В. А. Школьний билан учраштим. У бундай деди:

— Район молия бўлимидан бизга шаҳар матлубот жамиятида гўшт ўғирланаётгани ҳақидаги материаллар келиб тушганидан кейин жиноий иш очдик. Тергов тўғказилиб шу нарса аниқландики, Ҳ. Абдураҳмонов тарози тошларини текшириш ва олиш пайтида қонунчиликни бузган. Гўшт тайёрловчилар ва сотувчилар 80 минг сўмдан ортиқроқ пулни ўмарганликлари ҳақидаги унинг хулосалари ҳақиқатга тўғри келмайди. Шубҳа остига олинган кишилар хатти-ҳаракатида жиноят состави йўқлиги сабабли мазкур иш тўхатиб қўйилди.

Бироқ худди ўша куни область прокурори А. П. Сухарев кабинетида прокуратура масъул ходимидан кечагина ишни тўхтатиш ҳақидаги қарор бекор қилинганини эшитиб қолдим. Биринчи марта шундай бўлаётгани йўқ! Нима бу: бирор одамнинг аралашувими? Асло ундай эмас, тўғрироғи, таомил шундай. Кўпгина ишлар бўйича тергов муддатлари тез-тез ва ҳеч асоссиз равишда чўзилаверади, сансалорлик баъзан йиллаб давом этади. Тергов шу тарзда олиб бориладиган бўлса, қачон ниҳоясига етади? Александр Петрович бу янгиликдан ҳайратга тушди. «Ишни оператив кенгашга тайёрлашингизни илтимос қиламан... Сансалорлик қариб икки йилдан буён давом этаяпти. Одамлар ўз хизмат вазифаларини бажара олмаяптилар.. Бутунлай ва ҳамишалик аниқлик киритиш пайти келиб етди», — деб кўрсатма берди.

Бу гал қандай қарорга келишаркин? Гап бор-ку: омон бўлсак, кўрармиз!

Аммо газета бир одамни омманинг кўзи ўнгида гуноҳкорга чиқариб қўйгани аниқ далил.

Мақола муаллифи С. Солиевнинг таржимаи ҳолини батафсил келтириб ўтган. Жумладан у бундан 25 йил муқаддам мактаб директори бўлиб ишлагани тилга олинган. Собиқ муаллим, ҳозир пенсионер Н. Қўлдошев сўзларига ишониб, мақолага шундай сатрларни киритган: «Мактабга янги директор — С. Солиев келди. Янги раҳбар тез орада молиявий интизомни бузди, таълим-тарбия ишида жиддий камчиликларга йўл қўйди. Бунинг учун Қўлдошев ҳомонидан бир неча бор огоҳлантирилди». Журналист А. Маҳмудов молиявий интизомнинг бузилиши нимада ўз ифодасини топганлигини асослаб бера олмаган. Шунингдек, Қўлдошев билан Солиев ҳеч қачон битта мактабда бирга ишламганликларини ҳам билмас экан.

Хуллас, «Туҳматнинг умри қисқа» мақоласида Солиевга тўнкалган айбларнинг ҳаммасини бирин-кетин йўққа чиқаравериш мумкин. Бирёқламалик, аслидаги воқеалардан бехабарлик, кимларгадир ён босиш, шов-шувга ўчлик ана шундай ғўр материалнинг ёзилишига сабаб бўлган. Яна парча келтираман:

«Ўтган йили (1986 йилда— **А. К.**) ёзда — унинг иши район партия комитети бюросида кўриб чиқилиши керак бўлган бир пайтда — район касалхонаси раҳбарлари «қимматбаҳо» пациентни жуда қулай палатага жойлаштиришди. «Бемор» қаршисида ўзининг бутун латофати билан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳусан Шарипов ҳозир бўлди. У куйлади, Салоҳиддиннинг кўнглини кўтарди. Унинг палатаси деразаси ёнида ўнлаб одамлар тўпландилар, дарахтларга чиқишди ва оғзиларини очганча бу ерга келган меҳмонинг «санъати»га маҳлиё бўлиб қолишди. Бой ҳақидаги эртак нима бўпти? Бу ерда райком аъзоси, депутат, раҳбар ўзини шундай тутса! Буларнинг барчаси атайин эди. «Кўриб қўйинглар, ey мен, Солиев, мени ҳамма билади, мен қудратлиман» дегани эди.

Касалхонага бориб медицина ходимлари билан суҳбатлашдик. С. Солиев ётган палата икки ўринли, қулайликлардан холи эди. Иккита кровать, иккита тумбочка ва битта стол бор, холос. Санузел — ҳовлида. Палата иккинчи қаватда жойлашган. Дераза қаршисида одамлар чиқиши мумкин бўлган дарахтлар йўқ. Янгигина эқилган ниҳоллар бор: чумчуқ қўнса эгилиб кетади. Биз келтирган парчада «бемор» сўзи қўштирноққа олинган. Демак, Солиев касал бўлганлигига шубҳа қилинган. Ваҳоланки, у — III группа инвалиди. Солиевни врачлик меҳнат экспертизаси комиссиясига (ВТЭК) юборишди. Мухбир А. Маҳмудовнинг ўзи ҳам қатнашган комиссия бу гал уни иккинчи группа инвалиди деб топди.

Энди гапни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳусан Шариповдан эшитинг:

— Ҳа, Солиев билан биз кўп йиллардан буён қалин дўстмиз, — дейди у. — Район касалхонасида даволанаётганида бир марта бориб кўрганман. Аммо қўшиқ айтишни, музика асбоби чалишни билмайман. Касалхонада концерт берганим йўқ.

Врачлардан Т. Шайдуллаев, Х. Исмоилов, Ф. Каромова ва бошқалар ҳам область газетаси уйдирмасини инкор этишди. Мақола муаллифи ўзи шахсан касалхонада бўлмаган экан, бой ҳақидаги эртакни қаердан тўқидийкин! Шундай ҳақли савол туғилади: у кимнинг сўзига кириб бундай мақолани ёзган, фақат Солиевнигина эмас, йўл-йўлакай Ҳусан Шариповни ҳам ёмонотлиққа чиқарган. Елғонлиги аввалдан ҳаммага маълум бўлган гапни ҳақиқат қилиб кўрсатишга уринишдан кўра каттароқ шармандалик бўлмайди, дейишади донолар.

Мақолада район партия комитети бюроси қароридан кўчирма келтирилган: «Шаҳар матлубот жамияти савдо корхоналари ишини ташкил қилишда жиддий нуқсонларга йўл қўйганлиги, шикоятчиларни, бошқа ходимларни таъқиб этишни уюштирганлиги, жамият системасида салбий кўринишларни адолат юзасидан қоралаганларга очиқчасига қарши чиққанлиги учун коммунист С. Солиевга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилсин ва ўз вазифасидан озод этилсин».

Солиев қилмишлари ишончли тарзда баён этилганми? Йўқ. Бунинг устига мақола муаллифи райком қарорига ўзича тузатишлар киритган. Ўшанда, яъни 1986 йил ноябрида Солиев сиртдан партия сафидан ўчирилган, А. Маҳмудов эса унга «қаттиқ виговор берилган» деб ёзаяпти. Шундай қилишга уни нима мажбур этдийкин? Ҳамма гап шундаки, орадан бир неча ой ўтгач, Солиев партияга тикланди, бу ҳолатни айболатли мақолага киритиб бўлмасди. Чунки газетхонда у шунчалик бемаъни одам экан, нима сабабдан яна партияга тикланди, деган ҳақли савол туғилишига муаллифнинг ақли етарди. Райком қизиққонлик қилиб, шошқалоқлик билан оғир айбларни асоссиз «ёпиштирганлиги» учун Солиев партияга тикланди. Шаҳар матлубот жамияти коммунистлари ҳам район партия комитети бюроси қарорига қўшилмасликларини икки маротаба якдил бўлиб изҳор этдилар.

— 1987 йил майида биз Салоҳиддин Солиевнинг шахсий ишини қайта кўриб чиқдик, унга партия билетини қайтариб бердик,— дейди район партия комитетининг иккинчи секретари Б. А. Сон. — Аммо қаттиқ виговор эълон қилдик. Бундай жазо чорасини адолатли деб ҳисоблаймиз, чунки Солиев кўпинча ўзини носамимий тутди, ишида камчиликлар содир бўлган. Область газетаси мақоласига келганда шуни айтиш керакки, унда ҳис-ҳаяжоннинг устунлиги яққол сезилиб турибди.

Тўғри, Солиевни фариштa деб бўлмайди, унинг баъзи хатти-ҳаракатлари партиявий танбеҳга лойиқ. Масалан, обкомга, бошқа ташкилотларга район раҳбарлари устидан аризалар ёзганида босиқлик, одоб чегарасидан чиқиб кетди, жазаваға тушди, ҳақиқатни пардалаш томонига ўтди. Бироқ буларнинг барчаси уни тор-мор этишни кўзлаган мақола учун асос бўла олмасди. Муаллиф Солиев ҳақида ёзади: «Ундан салбий ролларни қойилмақом қилиб ижро этадиган дурустгина артист чиқиши мумкин эди». «Бу ердагилар солиевчилар, бошқа салбий чиқишлар билан кураш ҳали ниҳоясига етмаганлигини яхши билишади». «Солиев ўзини аввалги иш жойига қўйишларини талаб эттириб, бир группа ветеран оқсоқолларни район партия ва область партия комитетларига жўнатади». Бундай даъволар қилиш учун муаллиф қўлида қандай ишончли далиллар бор.

Булар таққирловчи сифатлашларнинг айримлари, холос. Ветеранлардан У. Тошев, И. Маҳмудов, Б. Очиловга келганда шуни айтиш керакки, мақола муаллифи улар билан учрашмаган, суҳбатлашмаган, бироқ гўё улар Солиев қармоғига илинган кишилар деб таърифлаган. Менинг қўлимда ветеранларнинг ёзма изоҳномалари бор, оқсоқоллар мухбирнинг ўзлари ва Солиев шаънига билдирган хуружларини бутунлай инкор этганлар. Улар на оғзаки, на ёзма шаклда бўлсин ҳеч кимнинг олдига бориб Солиевни вазифасига тиклашни илтимос қилмаганлар, ваҳоланки, унинг ўзи касаллиги туфайли пенсияга чиқаришларини сўраб бир неча бор ариза ёзган. Ниҳоят, Навоий область матлубот жамиятлари союзи бу илтимосни қондирди, тегишли қарор чиқарди. Шундан қирқ кун ўтгандан кейингина район партия комитети бюроси уни лавозимидан озод қилди. Сабабларини биз юқорида тилга олиб ўтдик.

Мақола муаллифи А. Маҳмудов шаҳар матлубот жамияти коллективида ҳам бўлмаган, коммунистлар, бошқа ходимлар билан учрашмаган, демак, уларнинг фикрларини билмайди.

— Солиевни юмшоқ кўнгил, одамохун дейиш қийин, аммо у билан ишлаш осон, — дейди партия ташкилоти секретари, 1972 йилдан КПСС аъзоси М. Худойбердиева. — У талабчан, адолатли, ажойиб ташкилотчи. «Туҳматнинг умри қисқа» мақоласида ҳамма нарса бузиб кўрсатилган. Бизни кейинги йилларда турли органлар, комиссиялар ўн марталаб ғалвирдан ўтказишди, бироқ жиддий қоидабузишлар аниқлангани йўқ. Камгадир Солиевни, шаҳар матлубот жамиятини обрўсизлантириш жуда зарур бўлиб қолганга ўхшайди. Кунларнинг бирида ҳамма савдо нуқталаримизни ёпиб, текшириб чиқишди. Ўн, ўн беш сўм миқдоридаги майда камомаддан бўлак ҳеч нима топиша олмади. Шуни айтиш кифояки, шаҳар матлубот жамияти ташкил бўлганидан буён фақат бир ходим судланувчилар курсисига бориб ўтирди. Солиев ҳеч қачон ўғриларни, харидорлар ҳақига хиёнат қилувчиларни рағбатлантирган эмас.

Шаҳар матлубот жамияти савдо бўлими мудири, 1970 йилдан КПСС аъзоси З. Эргашева бундай дейди:

— Шаҳар матлубот жамияти ва Солиевни турли хил қоидабузишларда рўйрост айбладилар. Бизнинг коллективимиз аҳил-иноқ ва меҳнатсевар эди, шундай бўлиб қолди. Бунда Солиевнинг хизмати катта.

Бош бухгалтер Р. Норхонова, касаба союз комитети раиси, катта ревизор С. Эргашева ва бошқа ходимлар ҳам шаҳар матлубот жамиятининг собиқ раиси ҳақида илиқ гапларни айтишди.

— Солиев ўз ишини жуда яхши билади, шаҳар матлубот жамияти планни ҳамиша бажариб келган, — дейди область матлубот жамиятлари союзи правлениеси раисининг ўринбосари М. Аблаев. — Солиевни ҳеч ким ҳеч қачон бирон-бир фирибгарлик ишларида қўлга туширган эмас. Унинг ҳақида тарқатилган миш-мишлардан ёқа ушлайсан киши.

Бизнинг ҳар биримиз деярли кунига харидор ролида бўламиз. Бинобарин, у ёки бу сотувчи ё тарозидан, ё пулдан уриб қолгани ҳақида керагича мисоллар келтириш мумкин. Шундай, совет савдоси қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳоллари ҳануз барҳам топганича йўқ. Бу — муаммонинг бир жиҳати, холос. Ҳаммага маълум яна бир томони ҳам бор — назорат қилувчи органларнинг баъзи ходимлари нопокдирлар, улар магазинларнинг директорлари ва мудирларидан таъма қиладилар, ҳар ойда сийлаб туришларини истайдилар. Қани, раъйларини қайтариб кўринг-чи, оқибати нима билан туграркин?!

Солиев тасдиқлашича, кимларгадир ҳар ойда эҳсон олиб бориш ҳақидаги таклифга рад жавобини берганидан кейин у шундай таъқибга учраган. Ўша одамларнинг исм-шарифларини ҳам менга айтиб берди. Ҳозирча ошкор қилишнинг иложи йўқ, чунки Солиев бу масалада ҳақлигини ҳали исботлаши керак. Асос бўлмай туриб одамларга соя ташлашни мен ҳам истамайман. Бироқ таъқиб механизми тўла қувват билан ишлаб турибди. Бинобарин, ўзингиз ҳукм чиқара қолинг.

«Туҳматнинг умри қисқа» мақоласи «Знамя дружбы» газетасида пайдо бўлгач, кўп ўтмай уни область ва Хатирчи районида Ўзбек тилида чиқадиган газеталар ҳам таржима қилиб босишди...

Хатирчи районида шаҳар матлубот жамиятидан ташқари район матлубот жамияти ҳам бор. Ҳар икки ташкилот правлениелари бир бинода жойлашган. Агар уларнинг кўп йиллик фаолиятлари таҳлил этилиб таққослаб кўриладиган бўлса, ҳамма моддалар бўйича кўрсаткичларда шаҳар матлубот жамияти устун туради. Шунга қарамай район матлубот жамиятини, унинг раҳбарларини ҳеч ким таъқиб қилаётгани йўқ.

Менга Солиев устидан аҳоли кўп шикоят қилаётганини айтишди. Область партия комитети ва ички ишлар бошқармасида ўша шикоятлар мазмуни, фактларни текшириш натижалари билан танишишга тўғри келди. Борди-ю тилга олинган фактлар тасдиқланганида эди С. Солиев ҳозир очиқда юрмаган бўларди. Шуниси ҳам эътиборга моликки, шикоят қилганлар доираси жуда ҳам тор: уларга маълум гуруҳ одамлар имзо чекишаверишган. Аризачилар ўз хатларида «ҳайратомуз фактлар»ни баён қилишаётган, улар тасдиқланмаётган бўлса-да, зўр бериб шикоят устига шикоят жўнатаётганлар фаолиятига на партия, на ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари принципиал баҳо бермаяптилар.

С. Солиев ишида кўнгилсизликлар бошланганидан кейин унинг Хатирчи район ички ишлар бўлимида хизмат қилиб турган ўғли Тоҳирга ҳам қийин бўлди. Партиявий-хизмат характеристикасида ёзилишича, Тоҳир Солиев беш йил мобайнида хушмуомала, камтар ходим сифатида танилган, ўз хизмат-сиёсий билимларини ошириб борган. У олий педагогик маълумотга эга бўлган, Самарқанд давлат университети юридик факультетининг сиртқи бўлимида ўқиган. Яхши ишлаган, бир қатор жиноятларни очишда қатнашган, эришган натижалари учун Хатирчи район партия комитети фахрий ёрлиғи билан тақдирланган, бўлим раҳбарияти ва бошланғич партия ташкилотининг ҳамма топшириқларига виждонан муносабатда бўлган. 1985 йил октябрида Т. Солиев деворий газета редактори қилиб сайланган. Декабрь ойида эса унга милиция катта лейтенанти унвони берилган. Тақдимномада айтилишича, у саводли, ижрочи ва интизомли ходим. 1986 йилнинг майида тўсатдан уни ички ишлар органларидан бўшатиб юборишди. Нима учун?

— Ишдан бўшатиш ҳақидаги хулосада, — дейди Навоий область ички ишлар бошқармаси кадрлар бўлимининг бошлиғи В. П. Балабанов, — Т. Солиев интизомий уставни қониқарсиз билиши, унинг участкасида очилмай қолган жиноятлар борлиги, раҳбарлар танбеҳига беписандлик билан қараганлиги, кенгашларда қатнашмаганлиги, 1986 йил 25 мартдан 4 апрелга қадар гўё рухсат олмасдан туриб Самарқандга ўқув-имтиҳон сессиясига кетиб қолганлиги кўрсатилган. Хуллас, мансабига номувофиқлиги учун бўшатилган.

Шундай қилиб, ёш коммунист Тоҳир Солиев милиция сафидаги хизматдан четлаштирилди. Қайси айбларига кўра? Шахсан мен учун бу нарса қоронғи. Район ички ишлар бўлими ва область ички ишлар бошқармасида ҳам кўпчилик ходимлар бунга ҳайрон бўлиб юришибди.

«Знамя дружбы» газетаси редактори С. Фотиҳов билан суҳбатимиз жуда қизғин бўлди. «Нима, — деди у менга, — сиз Салоҳиддин Солиевдан қаҳрамон ясамоқчимисиз, уни ҳимоя қилгани келдингизми?... Тўғри, мақоламизда ноаниқликлар, хато талқинлар бор, бироқ умуман олганда у тўғри ёзилган. Мен ўз мухбиримга ишонаман...».

Мен унга жавобан энг аввало ҳақиқатни, қонунчиликни ҳимоя қилиш учун келганимни, қонунларни топташга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини айтдим. «Ҳамён тутиш» принципи, силташ, фактларни бузиб кўрсатиш ва одамларни ёмонотлиқ қилишнинг ярамас усуллари жамоат фикрини шакллантирадиган журналистлар фаолиятида асло қўлланилиши мумкин эмас. Елғон ҳамиша елғон бўлиб қолаверади. Бордию ноҳақ сўз босма усулда кўпайтирилиб тарқатиладиган бўлса, у ҳолда неча ўн минглаб ўқувчиларни чалғитади. Шунинг учун ҳам А. Маҳмудов фактлар қанчалик тўғрилигини текширмай туриб одамларни бўлар-бўлмас гуноҳлар билан айблашда шошқалоқлик қилмаслиги керак эди. Агар у ёки бу масалада ўз фикрини баён этиш зарурати туғилиб қолса, у ҳолда холис бўлиши, ҳақорат қилиш йўлига асло ўтмаслиги лозим. Мақолага нуқта қўйиш олдидан Р. Ролланнинг ажойиб сўзларини эслатиб қўймоқчиман: «Ҳақиқатни ўзгалар оғзидан тўлиқ эшитгандан кўра унинг ярмини бўлса ҳам ўз кучинг билан билиб олганинг афзалроқдир», — деган эди буюк ёзувчи.

А. КОВАЛЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

Ўзбекистон ССР 1988 йилги пул-буюм лотереяси иккинчи чиқарилиши бўйича 22-23 апрелда Марғилон шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

2 ЧИҚАРИЛИШИ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг беш разрядига умумий суммаси 1.062000 сўм бўлган 515 та буюм ва 275485 та пул ютуқлари ўйналди.

Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разрядига ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядларидаги шундай серия ва номерларга эга бўлган билетларига ҳам тўланади.

Масалан, серия номери 06518, билет номери 112 бўлган лотерея билети «Жигули ВАЗ-21061» автомашинасини ютганлиги кўрсатилган. Бу—худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва номерли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради.

Бошқа буюм ва пул ютуқлари ҳам шундай тартибда ўйналган. Серия номери ва билет номери қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди.

Серия номерлари	Билет номерлари	Ютуққа чиққан буюмларнинг номи ва пул ютуғининг миқдори	Ютуққа чиққан буюмнинг нархи (сўм, тийин)
05912	154*)	500 сўм пул ютуғи	—
05951	094*)	«Зенит-ТТЛ» фотоаппарати	180—00
05962	175*)	50 сўм пул ютуғи	—
05972	161*)	«Электроника» стол соати	40—00
05979	148*)	«Вега-326» магнитофони	220—00
05982	187*)	200 сўм пул ютуғи	—
05989	167*)	«Рига-24» Дельта мопеди	265—00
05997	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
06011	019*)	«Тайга» полоси (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2х3м)	102—00
06018	014*)	100 сўм пул ютуғи	—
06053	124*)	«Россия-325» электропрогриватели	178—00
06058	125*)	200 сўм пул ютуғи	—
06063	139*)	50 сўм пул ютуғи	—
06070	020*)	«Сатурн» гилами (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2х3 м)	360-00
06088	109*)	50 сўм пул ютуғи	—
06126	090*)	300 сўм пул ютуғи	—
06147	127*)	1000 сўм пул ютуғи	—
06186	167*)	«Весна-211» стерео магнитофони	365—00
06209	119*)	300 сўм пул ютуғи	—
06224	017*)	«Россия-325» электропроигриватели	178—00
06230	026*)	50 сўм пул ютуғи	—
06255	075*)	«Весна-211» стерео магнитофони	365—00
06257	015*)	50 сўм пул ютуғи	—
06279	193*)	«Электроника» микрокалькулятори	125—00
06299	073*)	200 сўм пул ютуғи	—
06314	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
06328	1-200	5 сўм пул ютуғи	—
06345	181*)	«Россия-325» электропроигриватели	178—00
06393	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
06418	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
06428	160*)	300 сўм пул ютуғи	—
06432	1-200	25 сўм пул ютуғи	—
06441	181*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119-00
06462	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
06481	150*)	«Вега-326» магнитофони	220—00
06484	136*)	«Зенит-ТТЛ» фотоаппарати	180—00
06511	145*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
06515	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
06518	112*)	«Жигули ВАЗ-21061» автомашинаси	9123—00
06557	157*)	«Тайга» полоси (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2х3м)	102—00
06600	073*)	«Вега-326» магнитофони	220—00
06612	027*)	«Электроника» микрокалькулятори	125—00
06621	143*)	50 сўм пул ютуғи	—
06648	117*)	500 сўм пул ютуғи	—
06657	020*)	«Таурас-211» телевизори	296—00
06676	065*)	«Зенит-ТТЛ» фотоаппарати	180—00
06686	125*)	«Тайга» полоси (ГДРда ишлаб чиқашган, 2х3 м)	102—00
06704	022*)	«Сатурн» гилами (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2х3 м)	360—00
06723	191*)	250 сўм пул ютуғи	—
06726	006*)	500 сўм пул ютуғи	—
06735	013*)	250 сўм пул ютуғи	—
06757	1-200	25 сўм пул ютуғи	—
06787	099*)	300 сўм пул ютуғи	—
06860	181*)	200 сўм пул ютуғи	—
06863	200*)	«Снежинка» холодильниги	300—00
06868	028*)	200 сўм пул ютуғи	—
06899	167*)	500 сўм пул ютуғи	—
06953	178*)	50 сўм пул ютуғи	—
06981	173*)	«Тайга» полоси (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2х3 м)	102—00
06983	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
07000	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
07039	137*)	200 сўм пул ютуғи	—
07040	183*)	«Сатурн» гилами (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2х3 м)	360—00
07051	035*)	«Урал» ИМЗ.8.103. мотоцикли	1832—00
07067	098*)	«Электроника» микрокалькуляторн	125—00
07079	150*)	100 сўм пул ютуғи	—
07101	046*)	«Рига-24» Дельта мопеди	265—00
07103	171*)	100 сўм пул ютуғи	—
07108	185*)	«Весна-211» стерео магнитофони	365—00
07116	147*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
07121	142*)	100 сўм пул ютуғи	—
07139	153*)	«Тайга» полоси (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2х3 м)	102—00
07162	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
07184	147*)	«Снежинка» холодильниги	300—00
07190	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
07199	154*)	500 сўм пул ютуғи	—
07200	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
07235	017*)	«Россия-325» электропроигриватели	178—00
07236	1-200	5 сўм пул ютуғи	—
07255	124*)	250 сўм пул ютуғи	—
07290	181*)	«Тайга» полоси (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2х3 м)	102—00
07302	036*)	250 сўм пул ютуғи	—
07320	125*)	«Жигули ВАЗ-21013» автомашинаси	7260—00
07324	089*)	250 сўм пул ютуғи	—
07359	011*)	250 сўм пул ютуғи	—
07381	001*)	«Таурас-211» телевизори	296—00
07390	032*)	«Сатурн» гилами (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2х3 м)	360—00
07417	040*)	«Таурас-211» телевизори	296—00
07418	1-200	25 сўм пул ютуғи	—
07461	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
07463	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
07488	101*)	«Урал» ИМЗ.8.103 мотоцикли	1832—00
07490	162*)	200 сўм пул ютуғи	—
07505	171*)	«Рига-13» мопеди	145—00
07533	012*)	«Вега-326» магнитофони	220—00
07542	182*)	«Электроника» микрокалькулятори	125—00
07601	022*)	«Жигули ВАЗ-2105» автомашинаси	8300—00
07603	096*)	250 сўм пул ютуғи	—
07613	1-200	3 сўм пул юлуғи	—
07623	152*)	«Таурас-211» телевизори	296—00
07624	048*)	50 сўм пул ютуғи	—
07625	142*)	100 сўм пул ютуғи	—
07672	016*)	«Россия-325» электропроигриватели	178—00
07691	108*)	«Рига-13» мопеди	145—00
07697	154*)	«Вега-326» магнитофони	220—00
07703	089*)	200 сўм пул ютуғи	—
07708	032*)	300 сўм пул ютуғи	—
07718	010*)	300 сўм пул ютуғи	—
07751	015*)	500 сўм пул ютуғи	—
07842	013*)	50 сўм пул ютуғи	—
07851	183*)	500 сўм пул ютуғи	—
07896	148*)	«Вега-326» магнитофони	220—00
07915	1-200	5 сўм пул ютуғи	—
07938	188*)	1000 сўм пул ютуғи	—
07949	180*)	«Электроника» стол соати	40—00
07996	012*)	«Весна-211» стерео магнитофони	365—00
08019	078*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
08031	009*)	«Сатурн» гилами (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2х3 м)	360—00
08065	174*)	100 сўм пул ютуғи	—
08073	116*)	1000 сўм пул ютуғи	—
08181	017*)	200 сўм пул ютуғи	—
08185	068*)	50 сўм пул ютуғи	—
08206	029*)	50 сўм пул ютуғи	—
08232	070*)	«Зенит-ТТЛ» фотоаппарати	180—00
08238	101*)	50 сўм пул ютуғи	—
08300	081*)	50 сўм пул ютуғи	—
08304	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
08326	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
08363	122*)	«Россия-325» электропроигриватели	178—00
08380	200*)	250 сўм пул ютуғи	—
08398	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
08408	082*)	200 сўм пул ютуғи	—
08439	076*)	300 сўм пул ютуғи	—
08515	101*)	«Электроника» стол соати	40—00
08536	1-200	5 сўм пул ютуғи	—
08543	160*)	«Электроника» микрокалькулятори	125—00
08544	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
08582	148*)	200 сўм пул ютуғи	—
08583	168*)	300 сўм пул ютуғи	—
08604	115*)	250 сўм пул ютуғи	—
08657	114*)	200 сўм пул ютуғи	—
08684	172*)	«Весна-211» стерео магнитофони	365—00
08688	155*)	200 сўм пул ютуғи	—
08725	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
08733	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
08767	143*)	«Рига-13» мопеди	145—00
08780	179*)	50 сўм пул ютуғи	—
08786	094*)	100 сўм пул ютуғи	—
08821	194*)	250 сўм пул ютуғи	—
08825	106*)	500 сўм пул ютуғи	—
08840	188*)	«Сатурн» гилами (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2×3 м)	360—00
08845	003*)	«Снежинка» холодильниги	300—00
08849	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
08860	1-200	5 сўм пул ютуғи	—
08883	064*)	1000 сўм пул ютуғи	—
08917	094*)	100 сўм пул ютуғи	—
08921	001*)	«Таурас-211» телевизори	296—00
08931	060*)	500 сўм пул ютуғи	—
08949	180*)	«Электроника» микрокалькулятори	125—00
08973	018*)	«Снежинка» холодильниги	300—00
08978	161*)	250 сўм пул ютуғи	—
09028	180*)	250 сўм пул ютуғи	—
09036	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
09097	136*)	«Электроника» стол соати	40—00
09106	149*)	200 сўм пул ютуғи	—
09141	078*)	300 сўм пул ютуғи	—
09207	055*)	«Весна-211» стерео магнитофони	365—00
09225	146*)	1000 сўм пул ютуғи	—
09237	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
09261	069*)	50 сўм пул ютуғи	—
09271	196*)	«Урал» ИМЗ-8103 мотоцикли	1832—00
09275	123*)	50 сўм пул ютуғи	—
09282	195*)	200 сўм пул ютуғи	—
09353	070*)	«Сатурн» гилами (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2×3 м)	360—00
09373	182*)	«Москвич-412» автомашинаси	7397—00
09381	085*)	250 сўм пул ютуғи	—
09392	119*)	«Электроника» стол соати	40—00
09457	061*)	«Электроника» микрокалькулятори	125—00
09475	122*)	500 сўм пул ютуғи	—
09527	099*)	300 сўм пул ютуғи	—
09530	003*)	200 сўм пул ютуғи	—
09539	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
09560	145*)	500 сўм пул ютуғи	—
09589	178*)	«Россия-325» электропроигриватели	178—00
09590	112*)	«Вега-326» магнитофони	220—00
09645	066*)	500 сўм пул ютуғи	—
09646	013*)	500 сўм пул ютуғи	—
09683	028*)	«Таурас-211» телевизори	296—00
09691	020*)	200 сўм пул ютуғи	—
09711	013*)	1000 сўм пул ютуғи	—
09748	080*)	«Электроника» стол соати	40—00
09780	140*)	200 сўм пул ютуғи	—
09781	004*)	300 сўм пул ютуғи	—
09803	1-200	5 сўм пул ютуғи	—
09812	176*)	«Весна-211» стерео магнитофони	365—00
09825	187*)	«Снежинка» холодильниги	300—00
09835	083*)	300 сўм пул ютуғи	—
09860	089*)	50 сўм пул ютуғи	—
09906	092*)	100 сўм пул ютуғи	—
10014	105*)	300 сўм пул ютуғи	—
10025	100*)	500 сўм пул ютуғи	—
10037	151*)	500 сўм пул ютуғи	—
10090	094*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
10103	171*)	200 сўм пул ютуғи	—
10142	087*)	Туристик чодир (2 ўринли)	70—00
10189	040*)	50 сўм пул ютуғи	—
10204	1-200	5 сўм пул ютуғи	—
10254	057*)	«Зенит-ТТЛ» фотоаппарати	180—00
10277	181*)	250 сўм пул ютуғи	—
10297	151*)	«Сатурн» гилами (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2×3 м)	360—00
10309	042*)	100 сўм пул ютуғи	—
10326	1-200	25 сўм пул ютуғи	—
10327	009*)	«Весна-211» стерео магнитафони	365—00
10353	139*)	«Электроника» микрокалькулятори	125—00
10369	048*)	300 сўм пул ютуғи	—
10376	1-200	5 сўм пул ютуғи	—
10388	067*)	50 сўм пул ютуғи	—
10391	029*)	100 сўм пул ютуғи	—
10439	065*)	«Электроника» стол соати	40—00
10464	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
10509	124*)	1000 сўм пул ютуғи	—
10585	001*)	«Зенит-ТТЛ» фотоаппарати	180—00
10628	1-200	5 сўм пул ютуғи	—
10640	058*)	200 сўм пул ютуғи	—
10649	159*)	«Таурас-211» телевизори	296—00
10667	110*)	50 сўм пул ютуғи	—
10671	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
10678	035*)	«Запорожец 968-М» автомашинаси	3998—00
10705	179*)	50 сўм пул ютуғи	—
10714	033*)	«Россия-325» электропроигриватели	178—00
10724	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
10738	199*)	200 сўм пул ютуғи	—
10770	111*)	250 сўм пул ютуғи	—
10808	138*)	200 сўм пул ютуғи	—
10850	116*)	100 сўм пул ютуғи	—
10858	151*)	100 сўм пул ютуғи	—
10905	075*)	500 сўм пул ютуғи	—
10919	166*)	«Таурас-211» телевизори	296—00
10930	082*)	«Рига-13» мопеди	145—00
10937	1-200	3 сўм пул ютуғи	—
10950	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
10951	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
10988	137*)	50 сўм пул ютуғи	—
11007	091*)	«Электроника» стол соати	40—00
11038	148*)	100 сўм пул ютуғи	—
11048	122*)	«Тайга» полоси (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2×3 м)	102—00
11051	049*)	«Зенит-ТТЛ» фотоаппарати	180—00
11073	153*)	«Рига-24» Дельта мопеди	265—00
11077	084*)	200 сўм пул ютуғи	—
11088	1-200	5 сўм пул ютуғи	—
11191	036*)	100 сўм пул ютуғи	—
11195	093*)	200 сўм пул ютуғи	—
11226	131*)	«Вега-326» магнитофони	220—00
11252	067*)	100 сўм пул ютуғи	—
11259	026*)	«Рига-24» Дельта мопеди	265—00
11312	111*)	1000 сўм пул ютуғи	—
11337	197*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
11351	1-200	5 сўм пул ютуғи	—
11356	199*)	«Тайга» полоси (ГДРда ишлаб чиқарилган, 2×3 м)	102—00
11363	013*)	500 сўм пул ютуғи	—
11436	162*)	1000 сўм пул ютуғи	—
11466	030*)	500 сўм пул ютуғи	—
11473	183*)	«Снежинка» холодильниги	300—00
11513	085*)	«Зенит-ТТЛ» фотоаппарати	180—00
11547	019*)	Туристик чодир (4 ўринли)	119—00
11550	071*)	50 сўм пул ютуғи	—
11561	127*)	50 сўм пул ютуғи	—
11562	047*)	100 сўм пул ютуғи	—
11599	154*)	1000 сўм пул ютуғи	—
11605	081*)	500 сўм пул ютуғи	—
11606	042*)	«Урал» ИМЗ-8.103 мотоцикли	1832—00
11613	1-200	25 сўм пул ютуғи	—
11614	116*)	50 сўм пул ютуғи	—
11663	124*)	500 сўм пул ютуғи	—
11665	031*)	300 сўм пул ютуғи	—
11750	059*)	100 сўм пул ютуғи	—

*) Шу серия билетларининг қолган 199 номерига 1 сўмдан пул ютуғи чиқди.

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ:

1. Буюм ютуғи чиққан билетнинг эгаси хоҳласа шу буюмнинг қийматини нақд пул билан олиши мумкин.

2. «Жигули — ВАЗ-21061, 2105, 21013, «Москвич-412», «Запорожец-968 М» автомашиналари, «Урал» ИМЗ. 8.103 мотоцикллари, «Весна—211» магнитофонлари, ГДРда ишлаб чиқарилган гиламлар ва полослардан иборат буюм ютуқлари СССР жамғармалар банкининг Ўзбекистон республика банки нарядига биноан «Ўзбекбирлашув»нинг Тошкент базаси томонидан берилади. Қолган буюм ютуқлари жамғарма банкларида лотерея билети олдиндан текшириб кўрилгач жойлардаги магазинлар орқали берилади.

3. Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереяси билетларига чиққан 1100 сўмгача бўлган ютуқларининг қиймати иттифоқдош республикалар, область ва шаҳарларнинг жамғарма банкларида ҳам тўланаверади. Шу жамғарма банкларидан буюмларни талаб қилиб олиш мумкин.

4. Ютуқ чиққан лотерея билетларини кечи билан 1989 йил 30 июнгача топшириш керак. Шу муддатдан кейин лотерея билетлари ютуқ тўлаш учун қабул қилинмайди.

5. Бошқа иттифоқдош республикаларда ўтказиладиган пул-буюм лотереяси билетларини Ўзбекистон ССРнинг ҳамма шаҳарларидаги жамғарма банкларида текшириш ва ютуқларни шу банклар орқали олиш мумкин.

Бу жадвал расмий ҳужжат бўлиб, пул-буюм ютуқлари газетанинг навбатдаги сони чиққанидан кейин тўланади.

Эслатма: 1. Пул-буюм лотереяси бўйича ютуққа чиққан баъзи бир буюмларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилган бўлса, бундай буюмлар шунга ўхшаш бошқа маркадаги буюмлар билан алмаштирилади. Бу ҳолда берилаётган буюм қиймати лотереяга чиққан буюм ютуғининг баҳосидан арзон бўлса, нарх ўртасидаги фарқ қўшиб берилади.

Буюмларнинг чакана савдо нархи ўзгарган тақдирда буюм ютуқлари янги прейскурант кучга кирган вақтдан бошлаб янги нарх бўйича тўланади. Лотерея шартларида кўрсатилган «Жигули — ВАЗ—21061» автомашинаси шу модификациядаги «Жигули —ВАЗ-21063» автомашинаси билан алмаштирилиши мумкин. Бу ҳолда ютуқ эгасига нархлар ўртасидаги фарқ тўланади.

2. Агар буюм ютуғи чиққан лотерея билетларининг эгаси ютуқни нақд пул билан олишни истаса, унга лотерея шартларига биноан ютуқ қиймати тўланади.

Тираж комиссиясининг раиси — халқ депутатлари Марғилон шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ю. М. АЛИМОВА.

Тираж комиссиясининг масъул секретари — Н. Ф. МУҲИТДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТАШОБЛТРАНС-ЭКСПЕДИЦИЯ» ТРАНСПОРТ АГЕНТЛИГИ—

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.

РЕСПУБЛИКАМИЗ АҲОЛИСИ ТРАНСПОРТ ЭКСПЕДИЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ (ТЭА) ХИЗМАТИНИ ЖУДА ЯХШИ БИЛИШАДИ.

Ўзбекистонда бундай транспорт хизмати ўн беш йилга яқин вақтдан буён амал қилиб келмоқда. Бундай хизмат ҳозирги кунда кенг аҳоли орасида маълум. Бу албатта бежиз эмас, «Ташоблтрансэкспедиция» бирлашмасининг областдаги транспорт-экспедиция корхоналари аҳолига 30 дан ортиқ турда хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ана шулардан: мебеллар ва йирик ҳажмли товарларни магазиндан уйга элтиб бериш, қурилиш материалларини қурилиш майдонларига элтиш, ёқилғи ташиб бериш, машиналарни ремонт қилиш ва уйга элтиб бериш, контейнерларни «эшикдан-эшикка»методи асосида ташиб, самолёт билетларини олдиндан сотиш ва уларни талаб этилган адресга етказиб бериш, тўй маросимлари ва оилавий тантаналар ва жуда кўп бошқа тадбирларга транспорт хизмати кўрсатиш асосий хизмат турларидан ҳисобланади...

Аммо, республикамиз аҳолисининг жуда катта қисми қишлоқларда яшашни ҳисобга олиб, транспорт агентликлари биринчи навбатда қишлоқ меҳнаткашларига яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қилмоқдалар. Республикамиз колхоз ва совхозларида транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш қабул пунктлари ишлаб турибди. Қишлоқ аҳолиси ана шу пунктлар орқали барча турдаги юк ташиш хизматларига автомобиль буюришлари мумкин.

Сахий ўзбек тупроғи ўзининг тўкин ҳосили билан қадимдан донг таратган. Ана шу сахий далаларимиз инъомининг барчаси шаҳарликлар дастурхонига ширин-шакарлиги ва янгилигида етказиб берилиши учун қишлоқ меҳнаткашлари фақат барча ҳосилни йиғиштириб олишга улгурибгина эмас, шу билан бирга уларни ўз вақтида шаҳар бозорларига етказиб беришлари ҳам зарур.

Фақат транспорт агентлигининг қабул пунктларигина томорқа хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида, кам куч ва вақт сарфлаб, оз харажат билан шаҳар бозорларига элтиб беришда ёрдам бера оладилар. Бунинг учун буюртмачи учун энг қулай пайтда юк ортиладиган ерга автомобиль етиб келишлиги учун қабул пунктида буюртма расмийлаштиришнинг ўзигина кифоя.

Аммо, афсуслананадиган ери шундаки, ТЭА хизмати қанчалик қулай, осон ва тежамли эканлигини ҳали кўпчилик қишлоқ аҳолиси яхши билмайди, улар кўп вақт қабул пунктларига учрамай, «учар» шофёрлар ёрдамига мурожаат қиладилар ва бу билан меҳнатсиз даромад ортирувчи кишиларга ёрдам берадилар.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз: томорқа хўжаликларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бозорга ташиш учун махсус маршрутлар ишлаб чиқилган. Ана шу маршрутларда тегишлича ускуналанган юк-пассажир автомобиллари қатнамоқда.

Юк-пассажир автомобилларида ҳар бир йўловчидан I километр масофага 2 тийин, 45 километргача масофага ҳар бир багаж ўрни учун 30 тийин, 50 километрдан ортиқ масофага 50 тийин ҳақ олинади.

Юкларни юк автомобилида бир километр масофага олиб бориш учун 30 тийин ҳақ тўланади.

ҲУРМАТЛИ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ТРАНСПОРТ АГЕНТЛИГИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

БУ — СИЗНИНГ ҚИММАТЛИ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАЙДИ!

БУЮРТМА БЕРИШ УЧУН ОБЛАСТИМИЗДАГИ РАЙОН МАРКАЗЛАРИ ВА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН ТРАНСПОРТ АГЕНТЛИГИНИНГ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТИНГ!

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг республика ўрта махсус музика-рассомлик мактаб-интернати 1988-89 ўқув йили учун музика ёки тасвирий санъатга лаёқати бўлган, жисмоний соғлом етти ёшли болаларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аризалар — 10 майдан 1 июнгача қабул қилинади.

Ўзингиз билан боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, ота-онасининг иш жойидан маоши кўрсатилган ҳолда справка, боланинг психоневрологик жиҳатдан соғлом экани ҳақидаги справкани олиб келишингизни сўраймиз.

Синов қабуллари — шу йилнинг 3 июнидан бошланади.

Мактаб-интернат адреси: 700152, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, В-22 квартали, 1 «А» уй (2, 13, 33, 41, 50, 75, 77, 78, 87-автобуслар; 12, 13-троллейбусларнинг «Подмосковная автостанцияси» бекати).

Телефонлар: 74-96-44, 74-96-45.

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг «Ўзглавживпром» коллективи Жиззах область Вахмал районидаги «Рассвет» совхозининг собиқ директори, КПСС аъзоси

Хидирбой АБДУЛҚОСИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р. — 09723. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 1086. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12